O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 20-aprel, chorshanba ● № 16 (716) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ПРЕЗИДЕНТ ПЕКИНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 19 апрель куни давлат ташрифи билан Пекин шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА)

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ

Пекин, 19 апрель. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 19 апрель куни давлат ташрифи билан Пекинга келди.

Пекин марказидаги Халқ вакиллари мажлислар саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида учрашув бўлди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболи, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Хитойни бой тарих ва маданиятга, улкан салоҳиятга эга бўлган давлат, ишончли ҳамкор ва қўшни деб билиши, ушбу музокара ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари Хитойнинг яқин дўсти экани, икки томонлама ҳамкорлик ривожига қўшган улкан ҳиссаси юксак қадрланиши таъкидланди. Ушбу учрашув томонларни қизиқтирган долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият экани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар алоқалар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик, конларни ўзлаштиришга оид ва қатор бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

Битирувчилар иш билан таъминланади

Наманган тумани хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежини бу йил 390 йигит-қиз битиради. Бу ерда касб-ҳунар эгаллаган кўплаб ёшлар бугун ишлаб чиқариш тизими ҳамда сервис соҳаси ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Коллежда автоматлаштирилган тизимларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва созлаш йўналишида малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича "Нестле" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ўқувчиларнинг бир гуруҳи амалиётни ушбу корхонада ўтамоқда. Жорий йилда битирувчиларнинг ўн нафари мазкур қўшма корхонада иш билан таъминланиши режалаштирилган. Шунингдек, "Бунёдтекстиль", "Турон Замин", "Идеал" корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Суратда: *(ўртада) ўқитувчи Жаҳонгир Турсунов ўқувчилар Шерали Ҳошимов ва Сафибулло Сайидаҳмедов билан; ўқувчи Ойдина Холмирзаева.*

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

ГРЕЦИЯ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ СОТИШ НИЯТИДА

Греция ҳукумати давлат активларини кенг миқёсда хусусийлаштириш режаси тўғрисида эълон қилди. Шунга кўра, хусусийлаштириш 2013 йилга қадар давлат бюджетига 15 миллиард евро (22 миллиард АҚШ доллари) миқдорида фойда келтириши лозим.

5-бет

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Кунларнинг бирида набирам қишлоғимиздаги врачлик пунктига замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб, қайта жиҳозлангани ва бу ерда малакали шифокорлар ишлаётганини айтиб қолди.

6-бет

НАВОИЙНИНГ ҲАЙРАТОМУЗ ИХТИРОЛАРИ

«Фарҳод ва Ширин» достонини мутолаа қилишда давом этсак, бутун тилимиз анча келишиб қолган ХХ аср яратиқларидан бири — роботлар ҳақидаги сатрларга ҳам кўзимиз тушади:

Бўлур дарвоза ичра ошкоро,
Темур жисмики қилмиш пайкар оро.
Эрур одамга монанду мушобиҳ,
Илгида темурдан ёй қилиб зиҳ.

7-бет

✓ Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

ОИЛАВИЙ тадбиркорлик – фаровонлик асоси

Юртимизда қадим замонлардан тотувлик, ўзаро ишонч, ҳурмат ва ўз хонадони учун фахр ҳисси ўзбекона оилавий тадбиркорликнинг асосий белгиларидан ҳисобланган. Ўлкамизда меҳнат ресурсларининг етарлилиги, қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бораётгани ва зарур хомашё базасининг мавжудлиги, шу билан бирга, халқимизнинг ўзига хос турмуш ва тафаккур тарзи бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий тадбиркорликни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бинобарин, Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор.

Эътироф этиш жоиз: ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик тобора кенг қулоч ёймоқда. Хусусан, оилалар бўйича тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ўз даромад манбаи ва тирикчилик воситасига эга бўлган оилалар сони 2008 йилда 85,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу рақам 89,6 фоизга етган. Бу кам таъминланган оилалар сони камайиб бораётганидан далолатдир. Қолаверса, мазкур кўрсаткичлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигидан ҳам дарак беради.

Маълумки, фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, оилавий тадбиркорлик фидуциар (лотинча fiducia — ишончга асосланган) белгиларга эга, яъни у шахсий ишончли муносабатларга асосланади. Фидуциар битимлар шартномавий мажбуриятларга нисбатан ишончлироқ ва ривожланиш хусусиятига эга. Негаки, ушбу муносабатларда тарафлар ҳамкорлар ҳақида маълумот йиғиш, ваъдалар бериш, ишончга кириш учун қандайдир имзолар қўйиш мажбуриятини олмайди. Аксинча, бу жараёнда қондошлик алоқалари муҳим аҳамият касб этади.

3 »

✓ Янги қонун

Айни вақтда мамлакатимизда 12 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг хизматидан 6,3 миллион нафардан ортиқ китобхон ва ўқувчилар фойдаланиб келмоқда. Бугунги кунда юртимизнинг 83,6 миллион бирликдаги жами адабиёт фондидан 3,5 миллионтаси электрон кўринишда шакллантирилди.

«Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»

Бунда, айниқса, барча ахборот-кутубхона марказларида Интернет (ZiyoNET) тармоғига чиқиш имкониятини берувчи локал тармоқлар ташкил этилгани муҳим омил бўлмоқда. Чунончи, таълим муассасаларидаги 1639 та ахборот-ресурс марказида (91 фоиз) локал тармоқлар мавжуд. Улардан 1380 таси, яъни 76,5 фоизи ZiyoNET тармоғига уланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай натижаларга эришишда Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги ҳамда 2011 йил 23 февралдаги "Ахборот коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари сифатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш учун жорий йилнинг 13 апрель куни "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинди.

2 »

✓ Бунёдкорлик

Тошкент трамвайлари

Давлатлар тараққиётида пойтахтларнинг ўрни беқиёс. Чунки тамаддун аввал ўша ердан бошланади. Мамлакатимиз пойтахти — Тошкенти азим ҳам эндиликда ўзининг бетакрор табиати, сўлим гўшалари, кўп қаватли бинолари, кенг, равон ва чароғон кўчалари, нурафшон манзиллари билан тобора дунёдаги йирик мегаполис кентлар билан бўйлашадиган салоҳиятга эга бўлиб бормоқда.

Тошкент ҳақида гапирганда, шартли равишда унинг тарихи — мустақилликкача ва ундан кейинги даврни қиёсласак, ҳеч шубҳасиз, истиқлолдан кейинги йигирма йиллик тарих — ўтмиш ва келажак уйғунлигида қурилган иморатлар, боғу роғлар, кўприклар, кенг ва равон кўчалар — солномаси устун келади.

Азим шаҳримиз салобатига мос миллий руҳда қурилган гўзал ва бетакрор йўлларда сайр қилган, замонавий транспорт воситаларида шаҳар томошасига чиққан ҳар бир юртдошимиз ўзининг таассуротларини тўлқинланиб гапириб берганига кўп шоҳид бўлганмиз. Шунингдек, бу қутлуғ шаҳарнинг қайси гўшасига бормайлик, албатта, у ерда хорижлик сайёҳларнинг ҳайрат билан шарқона улуғликни томоша қилаётганини, кенг ва равон кўчаларнинг гўзаллигига мафтун бўлиб турганлигини кўриб, қалбимиз ифтихор туйғусига тўлади.



Бу муаззам шаҳарда ҳар йили шаҳримиз меҳмонлари, аҳолиси учун қулайликлар яратиш мақсадида янги транспорт йўналишларини очиш, йўлларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳамда замонавий транспорт воситаларини ишга туширишни тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинади.

2 »

Тошкент трамвайлари

(Бошланиши 1-бетда.)

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 20 январдаги "Тошкент шаҳридаги транспорт инфратузилмаси объектларини реконструкция қилиш ва қуриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан аҳолининг транспорт хизматларига эҳтиёжини қаноатлантириш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ҳозир пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига 1921 та ҳаракат таркиби, жумладан, 1590 та автобус, 119 та трамвай вагонлари ва метро йўналишлари хизмат кўрсатмоқда. Тошкентнинг кенг кўчаларини тўлдириб, шаҳар кўркига кўрк қўшиб, ўзининг бежиримлиги ва замонавийлиги билан аҳолига хизмат қилаётган транспорт воситалари бир кунда 1,4 миллион кишини манзилига элтиб қўйишининг ўзиёқ бу соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами қанчалар салмоқлилигини англатади. Шунга қарамасдан, баъзан, айниқса, "тиғиз" соатларда йўловчилар тирбандлиги кузатилаётгани ҳам бор гап. Шуни инобатга олган "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси аҳолига янада қулай ва сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида 2007-2010 йилларда уюшма таркибига кирувчи корхоналар ҳаракат тизимини "евро-3" ва "евро-4" стандартларига жавоб берадиган замонавий транспорт воситалари билан янгилаш бўйича 400 та "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" ва 10 та "Hyunday" русумли автобус, 570 дона "Isuzu" микроавтобуси ҳамда 30 дона "71-619 КТ" русумли трамвай вагонини харид қилди.

Маълумки, транспорт воситалари орасида трамвай ўзининг хавфсизлиги, тежамкорлиги ва экологик зарарсизлиги билан қолганларидан ажралиб туради. Аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатишда бу чопаётган "темироёқ"нинг ўрни беқиёс. Шу сабабли "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси томонидан бу транспорт воситасидан кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги "2011-2015 йиллар мобайнида транспорт ва коммуникация қурилиши инфратузилмасини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарорига асосан хориждан 20 та замонавий трамвай вагонини харид қилиш лойиҳасининг ўз вақтида амалга оширилиши аҳоли тирбандлигини камайтиришга хизмат қилади. Бинобарин, янги трамвайлар олдингиларидан тежамкорлиги, Европа стандартларига тўла жавоб бериши ва йўловчилар учун қулайлиги, яъни паст полли қилиб ишлаб чиқарилгани билан фарқ қилади.

"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ҳаракат схемаларини мақбуллаштириш ва транспорт воситаларининг атроф-муҳитга кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириш, йўловчи ташиш ер усти транспорт воситалари билан боғлиқ тирбандликнинг олдини олиш мақсадида жорий йилда Тошкент шаҳридаги бир қанча транспорт инфратузилмаси объектларини реконструкция қилиш ва қуриш амалга оширилмоқда.

Мазкур уюшмадан олинган маълумотларга кўра, қурилиш ишлари тўрт босқичдан иборат бўлиб, жами 15,9 километр янги трамвай йўллари қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган:

Биринчи босқичда пойтахтимизнинг "Муқимий" кўчасидан "Шота Руставели", "Қушбеги" кўчалари, Тошкент кичик халқа автомобиль йўли бўйлаб "Тараққиёт" кўчасигача жами 7,1 километр узунликдаги трамвай йўли, уланиш тармоғи, трансформатор подстанцияларини қуриш режалаштирилди ва шу йил Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

Қурилишга "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКнинг Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилояти темир йўл мутахассислари жалб этилиб, иш уч сменада ташкиллаштирилди. 150 дан ортиқ автотехника воситалари, 10 га яқин темир йўл қурилиши поездларидан фойдаланилди. Янги трамвай йўлига 30 километрга яқин рельс, 30 мингта шпал, 250 та уланиш тармоғи устуни ўрнатилди, 15 километр масофада уланиш симлари тортилди. Иккита трансформатор подстанцияси ва Салор канали устидан 24 метрли кўприк қурилди. Бундан ташқари, темирйўлчилар томонидан кичик халқа йўли кўчасида 2 та йўловчилар ўтиш-қатнов йўли реконструкция қилинди.

Иккинчи босқичда "Самарқанд дарвоза" кўчаси бўйлаб Оқтепа майдонигача жами 2,7 километр автомобиль йўлини 30 метргача кенгайтириб, реконструкция қилиш, трамвай йўли, уланиш тармоғи, трансформатор подстанцияларини қуриш режалаштирилган. Бугунги кунда бу ишлар жадал суръатлар билан бажарилмоқда. Қурилиш ишларини шу ойнинг охирида якунига етказиш кўзда тутилган.

Таъмирлаш ишлари сабабли вақтинчалик ҳаракати тўхтатилган трамвай йўналишлари ўрнига автобус йўналишлари очилди. Бунинг учун 50 та "Isuzu" русумли автобус харид қилинди. Жумладан, 27-трамвай йўналиши бўйича 78-автобус, 8-трамвай йўналиши бўйича 46-автобус қатновлари йўлга қўйилди.

Иккинчи босқичда қурилиш ишлари якунига етгач, 8-трамвай "Уйғур" кўчасидан "Самарқанд дарвоза", "Муқимий", "Ш.Руставели", "Қушбеги", "Кичик халқа йўли", "Сарикўл", "Темирйўлчилар" кўчаларидан ўзининг йўналиши бўйича ҳаракати йўлга қўйилади.

Учинчи босқичда "Бешқайрағоч" кўчаси ва Тошкент ҳалқа автомобиль йўли бўйлаб "Ибн Сино" мавзесигача жами 3,6 километр узунликдаги трамвай йўли, уланиш тармоғи, трансформатор подстанциялари қурилади.

Тўртинчи босқичда "Фарғона йўли" кўчасидан "Алимкент" кўчасигача 2,5 километр автомобиль йўлини реконструкция қилиш ва трамвай йўллари ҳамда контакт тармоқлари ва трансформатор подстанциялари қуриш ишлари олиб борилади.

Учинчи ва тўртинчи босқич ишларини амалга ошириш ҳам "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасининг "Йўл хизмати" хизмати корхонаси зиммасида бўлиб, бажарилиш муддати жорий йилнинг декабрига қадар белгиланган.

Шу ўринда кўпчиликни эски трамвай йўналишлари қай йўсинда реконструкция қилиниши қизиқтириши табиий. Шу туфайли пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари эътиборига йўналишларни батафсил келтириб ўтишни маъқул топдик:

13-трамвай йўналиши — "Мирзо Улуғбек" кўчасидан Тошкент кичик ҳалқа автомобиль йўли бўйлаб "Туркистон" кўчасигача ва ўзининг эски йўналиши бўйлаб;

9-трамвай йўналиши — "Муқимий" кўчасидан "Шота Руставели" кўчаси бўйлаб "Қушбеги", Тошкент кичик халқа автомобиль йўли, "Сарикул", "Темирйўлчилар" кўчалари ва ўзининг эски йўналиши бўйлаб;

8-трамвай йўналиши — "Маннон Уйғур" кўчасидан "Самарқанд дарвоза", "Муқимий", "Шота Руставели" кўчалари бўйлаб "Қушбеги", Тошкент кичик ҳалқа автомобиль йўли, "Сарикул", "Темирйўлчилар" кўчалари ва ўзининг эски йўналиши бўйлаб;

27-трамвай йўналиши — Ишчилар шаҳарчасидан "Беруний" метросигача;

12-трамвай йўналиши — Ишчилар шаҳарчасидан "Шайхонтоҳур", "Туркқўрғон", "С.Йўлдошев", "Мискин", "Шимолий Олмазор", "Қорасарой", "М.Шамсиддинов", "Н.Ҳасанов", "Тансиқбоев", "Қамарнисо", "Шифокорлар", "Белтепа", "Ибн Сино", Тошкент кичик халқа автомобиль йўли, "Бешқайрағоч", "Тўқимачи", "Алмоний", "Ю.Саккокий", "Фарҳод", "Лутфий" кўчалари бўйлаб "Оқтепа" майдонигача ҳаракатланиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, яқин келажакда яна иккита янги трамвай йўналиши қуриб фойдаланишга топширилади. **Биринчиси,** "Тошкент" вокзалидан Тошкент кичик халқа автомобиль йўли бўйлаб "Сарикул", "Меҳрижон", "Сайхун", "Фарғона йўли", "М.Ашрафий", "Қорасув", "Паркент" кўчалари ва "Оҳангарон" шоссеси орқали "Янгиобод" мавзесигача. **Иккинчиси,** Қўйлиқ марказидан "Фарғона йўли" кўчаси бўйлаб "М.Ашрафий", "Алимкент" кўчалари орқали "Чкалов" метросигача.

Кўриниб турибдики, шаҳарсозликда қилинаётган шу сингари салмоқли ишлар аввало, аҳолига сифатли, замон талаблари даражасида хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қолаверса, мамлакатимиз пойтахти кўрки, унинг дунё миқёсида эътирофига мос равишда ободонлашиб бормоқда. Айни пайтда эса, йўлларни асфальтлаш, бетон тўсиқларни жойлаштириш, транспорт ҳаракати ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларни ажратиб турадиган панжаралар ўрнатиш ишлари амалга ошириляпти. Натижада марказий кўчаларимиз 10 қаторли кенг ва равон йўлга айланиб, замонавий тус олмоқда. Бу Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига муносиб совға бўлади, албатта.

Толибжон НИЗОМОВ,
Фозил ЖАББОРОВ

Давра суҳбати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан «Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Демократик жамият асослари

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Давра суҳбатини бошқарган қўмита раиси А.Жўрабоев кейинги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фуқароларнинг ахборот олиш соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан изчил ва тадрижий ислоҳотлар амалга ошириб келинаётганини ҳамда давлатимиз раҳбарининг ўтган йилнинг 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурган қонунчилик ташаббуслари ва бебаҳо таклифлари соҳа фаолиятини янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, қўйи палата Спикерининг ўринбосари И.Саифназаров, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Ходжаев, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Б.Алихонов ва бошқалар сўз олиб, бугун юртимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Давра суҳбати қизғин музокаралар ва савол-жавобларга бой рухда ўтди.

Ўз мухбиримиз

«Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»

(Бошланиши 1-бетда.)

Ушбу қонун ахборот-кутубхона хизмати бўйича миллий тизимни такомиллаштириш ҳамда бу борадаги ҳуқуқий базани шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

7 боб ва 28 моддадан иборат мазкур меъёрий ҳужжатда ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини кучайтириш, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда аҳолини кенг ва тизимли равишда ахборот билан таъминловчи ахборот-кутубхона тармоқларини ташкил этишга қаратилган ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Шунингдек, ундан ахборот-кутубхонани ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича муносабатларни тартибга солиш, бундай зиё масканларида сақланаётган ахборотлардан фуқароларнинг эркин фойдаланишига доир масалалар ҳам ўрин олган.

Мамлакатда ягона ахборот-кутубхона тизимини шакллантиришга қаратилган ташкилий механизмларни, миллий кутубхона мақоми ва унинг вазифаларини, ахборот-кутубхона алмашувида иштирокчиларни аниқ белгилаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этади. Қонунда, айниқса, ахборот-кутубхона муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали шакллари, молиялаштириш, фондини тўлдириш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, хусусан, солиқ ва бошқа имтиёзлар берилиши назарда тутилаётгани қувонарлидир. Бундан ташқари, айрим тоифадаги фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг алоҳида шартларининг белгиланиши билан жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ресурсларини махсус ахборот манбаларидан олиш, ихтисослашган техник воситаларни фойдаланиш учун алоҳида шарт-шароитлар яратилиши кафолатланди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун республика аҳолисига кўрсатилаётган хизматларнинг янги турини шакллантириш, кутубхоналарнинг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс маркази сифатида янги мавқеини белгилаш, турли идораларга тегишли ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлиги бўйича муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда миллий ва жаҳон ахборот ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашида асосий ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажаришига шубҳа йўқ.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

✓ 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ЧАТКЎПИРЛИКЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Мамлакатимизда ички бозорни сифатли ва рақобатдош маҳсулот билан тўлдириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши бу йўналишдаги кенг кўламли вазифаларни янада такомиллаштириш учун айни муддао бўлди.

Урганч туманидаги "Зот-элита" фермер хўжалиги мутасаддилари хайрли ишга қўл урдилар. Хўжалик тасарруфида "Элитачорванасл" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, қарийб икки юз миллион сўмлик банк кредитига Хитойдан гўштни қайта ишлаш дастгоҳлари ва керакли ускуналар келтирилди. Натижада янги йил арафасида ишга тушган кичик корхона хитойлик ҳамкорлар ёрдамида замонавий ускуналар билан жиҳозланди.



Айни кунларда корхонанинг гўштни қайта ишлаш цехларида иш авжида. Бу ерда бир неча турдаги колбаса ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Хомашё эса узоқдан эмас, фермер хўжалигининг ўзидан олинмоқда. Ҳам арзонлиги, ҳам сифатли ва хуштаъмлиги билан ажралиб турадиган корхона маҳсулотлари аллақачон харидорлар эътиборини тортди.

— Корхонамизнинг йиллик қуввати 400 тонна, — дейди МЧЖ раҳбари Абдулла Рўзиматов. — Ҳозирги кунгача 30 тоннадан ортиқ маҳсулотларни мижозлар дастурхонига етказиб бердик. Шу вақт оралиғида ўнга яқин иш ўрни яратилди. Яқин орада корхона қувватини оширишни мақсад қилганмиз. Ўшанда яна кўплаб ёшларимиз иш билан таъминланади.

Корхона раҳбарининг бу сўзларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун одамларимиз учун барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланиб бораётганини англаш мумкин. Бинобарин, Урганчнинг мўъжазгина Чатқўпир қишлоғида иш бошлаган ушбу кичик корхонада қилинаётган хайрли ишлар мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликка қўшилган улуш, қолаверса, мустақиллигимизнинг йигирма йиллик тўйига муносиб совға бўлди, дейиш мумкин.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ОИЛАВИЙ тадбиркорлик – фаровонлик асоси

(Бошланиши 1-бетда.)

Шу билан бирга, ушбу алоқалар оилавий тадбиркорликда ишбилармонлик руҳида кечади. Зеро, охирги натижа оиланинг моддий ва маънавий фаровонлиги ҳисобланади.

Юртимизда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Бундан ташқари, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик шаклида амалга ошириш мумкинлиги назарда тутилган. Бунда эр-хотинга тегишли бўлган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади (бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим). Бундан ташқари, мазкур модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, жисмоний шахслар фақат якка тартибдаги тадбиркорлар тариқасида давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкинлиги, шунингдек, деҳқон хўжалиги ва оддий ширкатни тузиш, уларнинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомда ҳам оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, унинг фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, 18 ёшгача бўлган шахсларнинг бу фаолиятда қатнашиши хусусиятлари, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бу фаолиятни қўллаб-қувватлаш, субъектлар ва уларга ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш қоидалари ўз аксини топган.



Халқаро ҳужжатлар борасида Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференцияси томонидан 1996 йил 20 июнда Женева шаҳрида бўлиб ўтган 83-сессиясида қабул қилинган "Касаначилик тўғрисида"ги 177-Конвенцияга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур Конвенцияда "касаначилик" атамасининг асосий белгилари берилган. Унга кўра, касаначи ўз уйида ёки ўзи танлаган, лекин иш берувчининг ишхонасидан бошқа жойда жойлашган бинода ишлаши лозим.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни юритиш ва ривожлантириш жараёнининг янги босқичи вужудга келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида "...бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди" деб таъкидладилар. Яъни, бозор иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялашга қаратилган қонунчилик базасини янги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун билан тўлдиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, мазкур қонуннинг мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида оилавий бизнесни иқтисодиётнинг барча соҳаларида ривожлантириш учун қонунчилик асосларини яратишдан иборат бўлиб, унда қуйидаги меъёрлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир:

— хўжалик фаолиятнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий тадбиркорлик тушунчасини ва фаолият юритиш соҳасини аниқ белгилаш;

— оилавий корхона субъектларининг ҳуқуқий мақомини назарда тутиш, оилавий корхонани рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартибларига оид механизмларни ифодалаш;

— оилавий корхонанинг бозор инфраструктурасига кириб боришининг соддалаштириш механизмларига доир қатор қоидалар шулар жумласидан.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хорижий давлат тажрибасида ҳам оилавий тадбиркорликни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари амал қилмоқда. Жумладан, Россия Федерациясида оилавий тадбиркорликка оид қоидалар "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида"ги Қонунда ўз ифодасини топган бўлса, Латвия Республикасида эса "Якка тартибдаги (оилавий) корхоналар, деҳқон ёки балиқчилик хўжалиги ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда оилавий бизнесни юритиш миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Мазкур фаолиятнинг амалга оширилиши нафақат келажакда оила ривожига, балки мамлакат тараққиётига ҳам хизмат қилади. Бунинг учун оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш зарур. Бу эса айни пайтда иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишига шароит яратади.

С.ДЖОЛДАСОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Божхона Постидан Хабарлар

ЯНГИ САЙТ, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Яқинда Давлат божхона қўмитаси фаолиятини www.customs.uz веб-сайтида ёритиш жараёнида маълумотларнинг тезкорлиги, сифати ва даврийлигини таъминлаш, интернетдан фойдаланувчилар учун қулай шароит яратиш, божхона соҳасига доир ахборотларни тақдим этишда самарали усулларни жорий этиш мақсадида "Uzinfocom" маркази билан ҳамкорликда ДБҚ веб-сайтининг такомиллаштирилган янги версияси ишлаб чиқилди. 2011 йил 1 апреллдан бошлаб веб-технологияларнинг энг сўнгги янгиликларини ўзида мужассам этган ушбу янги сайт халқаро тармоқда ўз фаолиятини бошлади.

Янги дизайндаги афзалликлардан бири шуки, саҳифаларнинг ишлаш механизмини соддалаштириш, маълумотларни даврий кетма-кетликда жойлаштириш ҳамда саҳифаларда ички рукнларни ташкил этиш имконияти мавжуд. Сайтнинг қидирув тизими ҳам такомиллаштирилган.

Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида сайтта улар учун фойдали бўлган бир қатор маълумотлар, шу жумладан, импорт-экспорт операцияларини амалга ошириш бўйича ахборотлар, имтиёзлар бўйича маълумотлар базаси, божхона омборлари, божсиз савдо дўконлари, божхона брокерлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхати каби ахборот ресурслари жойлаштирилган ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Контрабандага қарши курашишда янги замонавий технологиялардан фойдаланмасдан туриб, ижобий натижаларни кутиб бўлмайди. Шу сабаб бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам гиёҳвандлик ва психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи заҳарли ва заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портлатувчи қурилмаларни фош этишда замонавий рентген аппаратлари, гиёҳванд моддаларни идентификациялаш ва радиацион назорат қилиш воситалари, автомобиль тарозилари, мураккаб кўрикдан ўтказиш оптикаларидан фойдаланиш тобора кенг йўлга қўйилмоқда.

Бу борада чет эл инвестициялари ва грант маблағларини жалб қилиш бўйича ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, яқинда Давлат божхона қўмитаси ва Японияннинг "Марубейни" компанияси ўртасида грант маблағлари ҳисобидан сканер қурилмаларини сотиб олиш бўйича имзоланган шартномага мувофиқ Тошкент вилоятидаги "Ойбек" ва Сурхондарё вилоятидаги "Айритом" божхона постларига сканер қурилмалари етказиб берилди.

"ОҲАК"ЛАНГАН ТЕЛЕФОНЛАР

Юртимизда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш соҳасида яратилаётган қулай иқтисодий муҳит сабабли мобиль алоқа компаниялари фаолияти ривожланиб, уяли алоқа абонентлари сони тобора кўпаймоқда. Табиийки, шунга яраша мобиль телефонларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.

Аммо, айни шу эҳтиёждан мўмай даромад илинжида фойдаланиб қолишга уринаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Масалан, яқинда Наманган вилояти божхона бошқармаси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ҳамкорликда 500 миллион сўмдан ортиқ қийматдаги уяли алоқа телефонларини ноқонуний олиб ўтишга бўлган уринишни фош қилишди. Тезкор маълумотлар асосида кузатувга олинган "КамАЗ" русумли юк машинаси Қамчиқ довонида ҳаракатланаётган пайтида тўхтатилиб, кўздан кечирилганида фуқаро Ҳасанбой Усмонов бошқарувидаги ушбу автоуловга оҳак маҳсулотлари юкланган маълум бўлди. Бир қаранда ҳаммаси қонуниийдек эди. Аммо оҳак орасига 46 турдаги салкам 2600 дона уяли телефонни яширган устаси фаранглар буни божхоначилардан ҳам яширишни уддалай олишмади. Аниқланишича, ноқонуний равишда олиб кетилаётган ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ушбу товарлар Хитойда ишлаб чиқарилган ва муқаддам айланма йўллар орқали юртимизга олиб кирилган экан. Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан божхона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

Ўтган йил ва жорий йилнинг апрель ойигача республикамиз божхоначилари ва турли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда мобиль телефонларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ 600 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйилгани аҳамиятга молик.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

Изҳор

ҲАВОЛАРДА ЁМҒИР ИСИ, ГУЛ ИСИ

Жорий йилнинг тарзитароватидан юртдошларимиз мамнун, десак янглишмаймиз.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани йўлларидан ўтдик. Ҳамроҳим, ёши элликлардан ошган, деҳқон-келбат, чироқчилик киши қор нуқрадай жилоланиб ётган кенг даштларни кузатиб, завқини боса олмади:

— Чироқчининг, бизга қўшни Қамашининг ўн минглаб гектар лалмикор ерларига, бу йил, Худога шукр, қор яхши тушди. Мен сизга айтсам, шу икки туманнинг ғалласи бўлиб берса, мамлакатда дон бўлди, деяверинг. Чироқчининг лалмикор адирларининг уфқи кенг. Бир томони Бухорога бориб туташади. Ҳаммасига дон экилган. Бу йилгидай босиб ёққан қордан кейин ғаллаям мўл бўлади, насиб этса. Оҳ, оҳ, қаранг, қандай қор! Кўзни олади-я! Ўзим айланай бу оқликдан, бу покликдан...

Чироқчиликлар гапиришса, одатда, бироз ошириброқ, тошириброқ гапиришади. Ҳамроҳимнинг: "Чироқчида ғалла бўлса, мамлакатда ғалла бўлади" деганини ҳам шунга йўйдик. Лекин йил яхши келса, Чироқчи ва Қамаши туманларидаги йирик лалмикор майдонларнинг юртимиз ғалла хазинасига қўшадиган улуши, чиндан ҳам салмоқли бўлади.

Ҳамроҳимнинг қиш яхши келганидан болаларча қувнаши эса... бу, энди умуман инсоний феъл-атвор. Халқимиз самимий, соддадил. Ҳамма нарсани тўғри тушунади. Яратгандан қор сўрайди, ёмғир илтижо қилади. Омади келса, она табиатнинг мурувватидан — вақтида берган қор-ёмғиридан болалардай қувонади. Қор-ёмғир бўлмай, неча минглаб гектар лалмикор ерларда экилган ғалла эрта кунда сарғайиб, қовжираб қолса, болаларча мунғаяди.

Суҳбатдошимиз йил мўл-кўл қорлар билан яхши бошланганидан қувонаяптими, бу яхшилик аломатидир. Элнинг кўнгли сезгир. Унинг қувонгани — мустақил давлатимиз ҳаётининг йигирманчи йили хайрли бошланаётганини англатади.

Бунинг устига, Истиқлол даврида одамларимизда она ерга эътибор, меҳр, ер олдида масъулият, унга эгалик ҳисси кучайди. Ўтган йигирма йил мобайнида Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг аграр йўналишида бошланган кенг қамровли туб ислоҳотлар бугун ўзининг салмоқли самарасиини бермоқда.

Мамлакатимизда пахтачилик, ғаллачилик каби муҳим тармоқлар билан бир қаторда мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ҳам тобора ривожланмоқда. Уларни қайта ишлаш тизими йўлга қўйиляпти. Ички бозорда эса гўшт, сут, мева, сабзавот, гуруч ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпаяётганининг боиси шундан.

Ерга муносабат тўғрисида гап кетар экан, Юртбошимизнинг бу борадаги яна бир улкан ташаббусларини алоҳида таъкидлагимиз келади. Бу ўринда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилинган Давлат дастурини назарда тутаяпмиз. Ушбу дастурга эҳтиёж пишиб етилган эди. Юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 48 фоизи турли даражада, қарийб 18 фоизи эса кучли ва ўрта даражада шўрланган, 23 фоиздан кўпроғида тупроқ унумдорлиги, яъни бонитети паст ҳисобланади. 2009 йилдан бошлаб, юқоридаги Дастурга асосан, мисли кўрилмаган ҳажмда ишлар бошлаб юборилди. Давлатимиз томонидан шу мақсадга катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида мелиорация ишлари учун 150 миллиард сўм маблағ сарфланди. Халқаро молия ташкилотларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағи жалб қилинди... Хуллас, ернинг аҳволини тубдан яхшилаш масаласига давлат миқёсида катта эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида эса, бугунга келиб, мамлакатда 250 минг гектар суғориладиган ер соғломлаштирилди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга, фермерлар ҳамда деҳқон хўжаликларининг даромадини кўпайтиришга хизмат қиляпти.

Ислоҳотлар давом этмоқда. Олдинда турган вазифалар янада жиддий. Масалан, чорвачиликда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Президентимизнинг шу йил 21 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида айтиб ўтилганидек, баъзи давлатларда ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш бўйича йиллик ўртача кўрсаткич 6-7 минг, ҳатто айрим давлатларда 8-9,5 минг килограммни ташкил этаётган бир пайтда, бизда кейинги беш йил ичида бу рақам 1,7 минг килограммдан ошмаяпти. Демак, бу тармоқда самарадорликни ошириш керак.

Шунингдек, маърузада қишлоқ хўжалигини иш унуми юқори ва сифатли бўлган замонавий хорижий техника воситалари билан мустаҳкамлаш масаласи ҳам кун тартибига қўйилиб, бу борада, масалан, Германиянинг "Клаас" компаниясидек илғор ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиш анча фойдали бўлиши қайд этилди.

Умуман, маърузада тегишли вазирликлар, идора ва хўжалик бирлашмалари биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ер унумдорлигини ошириш, маҳсулотни қайта ишлаш соҳаларини техникавий ва технологик янгилаш бўйича махсус Дастур тайёрлаш вазифаси белгиланди. Демак, бу йўналишларда яқин орада катта ва хайрли ишлар бошланади.

Она заминимизда баҳор тафти ҳар гиёҳга жон ато этмоқда. Қиру адирлар, далалар, боғлар уйғонмоқда. Юксакларда гоҳида пахтадай оқ, гоҳида лапанглаган қора булутлар карвони ҳаракатга тушиб қолди. Шоир айтганидай, ҳаволарда ёмғир иси, гул иси анқий бошлади. Миришкор халқимиз аллақачон далаю боғларда жавлон ураяпти.

Ҳаракатда баракат ёғилади, деганлари бор гап.

Михли САФАРОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Интернет имкониятлари

"ВИРТУАЛ ОЛАМ" ВА "ВИРТУАЛ САЙЛОВ"

қандай тушунчалар?

Бугунги кунда интернет кишилар ҳаётига чуқур кириб борди. Сабаб — у аллақачон энг қулай ва арзон алоқа воситаси, ахборот манбаи, тижорат "куроли"га айланиб бўлди. Унинг чексиз имкониятлари эндиликда турли соҳаларда қўл келмоқда. Шу жумладан, сиёсатда ҳам самарали фойдаланиляпти. Интернет, айниқса, чет элларда сайлов даврида яхши иш бермоқда. Кейинги пайтларда ҳатто "виртуал олам", "виртуал сайлов" деган тушунчалар ҳам юзага келди.

Соҳа мутахассислари томонидан ўтказилган сўровлар натижасида шу нарса маълум бўлганки, 2000 йилда АҚШда катта ёшли аҳолининг 18 фоизи сиёсат ва сайловлар ҳақидаги маълумот ва янгиликларни "ўргимчак тўри"дан ўқиганликларини таъкидлаганлар. 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 44 фоизга етган. Буюк Британияда эса 2005 йил май ойида ўтказилган умумсайловларда мамлакат ёшларининг учдан бир қисми сиёсий ахборотни "виртуал олам"дан олганликларини қайд этдилар. Сўровларда АҚШда интернетдан фойдаланувчиларнинг 22 фоизи "Интернет бўлмаганида сайлов жараёнлари билан умуман қизиқмаган бўлар эдик", деган тарзда жавоб беришган. Бу — жамиятда одамларнинг сиёсий фаоллигини таъминлашда интернетнинг қанчалик муҳим ўрин тутаётганига ишора.

Интернетнинг сиёсий янгиликлар бўйича мухлислари йилдан-йилга ошишига сиёсий сайтлар савияси кун сайин юксалиб бораётгани туртки бермоқда.

Умуман олганда, бугунги кунда сиёсий мавзудаги мақолаларнинг ўқувчилари "ўргимчак тўри"дан уч хил мақсадда фойдаланишади, дейиш мумкин. Чунончи: сиёсат ва сайловлар ҳақида янгиликлардан воқиф бўлиш учун (2008 йилда сиёсий веблар мухлисларининг 60 фоизи ана шу мақсадда фойдаланишган); сиёсий мавзуда мулоқотга киришиш учун (виртуал олам фойдаланувчиларининг 38 фоизи сайловлар даврида сиёсий мавзуда ўзаро мулоқотга киришганлар); сиёсат ва сайловлар ҳақидаги янгиликларни яқинлари, дўстлари билан фикрлашиш учун (интернет фойдаланувчиларнинг 52 фоизи ўзгаларга сиёсий хабарлар жўнатган ёки бошқалардан қабул қилган).

Хуллас, замонавий интернет кишиларни жамият ҳаётида фаол қатнашишга ёрдам бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятни демократлаштириш жараёнларини тезлаштиряпти. Ҳатто "эндиликда электрон демократия" деган тушунча ҳам вужудга келиб улгурди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўтган йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича алоҳида олти йўналишдан иборат концепцияни таклиф қилиб, улардан бири — ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратди. Шу ўринда бугун юртимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 6 миллиондан ҳам ошиб кетганлигига алоҳида урғу бериб ўтди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам сайлов жараёнларида иннернетдан тобора кўпроқ фойдаланиш тажрибаси қўлланила бошланди. Масалан, ҳукуматимиз портали, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар сайтлари сиёсий жараёнлар тўғрисида мунтазам ахборотлар бериб бормоқда. Хусусан, "Қайта алоқа" рўкни орқали аудитория билан ахборот алмашинуви кенгроқ йўлга қўйилмоқда. Бу, шубҳасиз, одамларнинг ҳуқуқий онгини янада оширишга, сиёсий ҳаётда янада фаол иштирок этишга, идоравий ва бюрократик тўсиқларни енгишга, "глобал ахборотлашган жамият"ни шакллантиришига кўмаклашади.

Ойдин САЪДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети тадқиқотчиси

- "Ўргимчак тўри"нинг сиёсий янгиликлари мухлислари тобора кўпайиб бормоқда.
- Хорижда сиёсий партиялар электрон сайлов кампаниясига қаратилган сайтлар яратишяпти.
- Он-лайн масофали овоз бериш имконияти.
- Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони тобора ошмоқда.

Публицист ижодидан

НАФОСАТ ВА НАЗОКАТ УЙҒУНЛАШГАНДА

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида журналистика соҳасида қалам тебрата бошлаган ёшларнинг аксарияти илк хабар ва мақолаларини ҳозирги "Туркистон" газетаси саҳифаларида чоп этишган, десак хато бўлмайди. Шу даргоҳда суяги қотган Муҳаммаджон Қўшоқов, Мирзакарим Пирматов, Собир Жўраев, Карим Раҳимов сингари тажрибали журналистлар меҳнат қилишарди. Ана шулар қаторида хассос шоира, маънавият жонкуяри Муқаддас Абдусаматова алоҳида ўрин тутади.



Муқаддас опа ҳақида ёзишдан аввал унинг ижодига мансуб асарлари билан яна бир марта танишдим. Эътиборимни унинг "Бир ҳовуч ибо" сарлавҳали мақоласи тортди: "Шундай афсона бор. Оллоҳ аввал Одам Атони яратибди. Кейинчалик аёлни яратар экан, оламдаги борки гўзалликларни, дейлик, гулларнинг чиройи-ю атрини, елларнинг майинлигини, бекаторлигини, қуёшнинг чаққонлигини, товуснинг мафтункорлигини — барчасини унда мужассам этибди. Охирида бир ҳовуч ибо қўшиб, унинг малоҳатини зиёд қилибди. Айтибдики, ким ушбу ибони, вафони, оилани азиз билса, ўзи ҳам азиз бўлади".

Қалам сеҳри қизиқ, экан-да ташбиҳлар муаллифнинг ўзини эслатяпти-я. Муқаддас опа ўзи ҳам, сўзи ҳам, қалби ҳам гўзал инсонлар тоифасидан.

Ёшлар газетасида энди қўлига қалам олган журналистлар ҳамиша алоҳида эътиборда бўлган. Уларнинг ижодига бағишланган подборка, саҳифалар асосан Муқаддас Абдусаматова томонидан уюштириларди. Каминанинг эсида қолгани шуки, биз учун мулоқот қилиш катта шараф ҳисобланган бу опахон бошловчи ижодкорлар кўтариб келган қораламаларни ўқиганда "Нимани ёзибди" деган маънода эмас, балки "Йилт этган гапи борми?" дея умидбахшлик билан назар ташлар ва кўнглимизни яхши гаплар билан кўтарарди. Бундай муносабат кимлар учундир оддий кўринар, лекин "Устоз нима деркин" дея ички ҳаяжон билан келган ёшлар учун алоҳида воқеа эди. Бир оғиз ширин сўз, ўрни келганда, бошловчи қаламкашнинг ижодий салоҳиятини қулф урдириб юбориши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб келяпти.

Ярим асрдан буён нафосат гулшанида наср ва назм гулларини саралаб юрган Муқаддас опа ана шу даврга мансуб ижоди ҳақида ҳисоб беришга чоғланибди. "Ўзбекистон" нашриётида у кишининг "Умр — ипга терилган маржон" номи билан китоби чоп этилибди. Китобни қўлга олсангиз, худди саргузашт асарлар каби қўлдан қўймай ўқишга тутинасиз. Аслида ушбу тўплам саҳифаларида қизиқ воқеалар эмас, инсон қалбининг нозик торларини чертувчи фикрлар ўқувчини ўзига тортади.

Инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, эзгуликнинг қайтиши, аёл одоби, келинлик ибоси, инсон хотираси ўчмаслиги, ёшликнинг бебаҳо неъмат эканлиги, оилада онанинг муносиб ўрни масъулияти каби ранг-баранг мавзулар — адиба қаламига мансуб асарларнинг тўла бўлмаган руҳиятидир. Ҳаётда учрайдиган энг оддий деталь ҳам ижодкор назарида чуқур маъно-мазмун касб этиб, мухлис қалбини забт этади. Чойнакдан чой қуйиб ичиш нима деган гап. Муқаддас опа шу ҳолат ҳақида ўзига хос мулоҳазани шундай баён этади.: "Айтайлик, сиз чой қуйиб узатмоқчисиз. Уни пиёлага "шариллатиб" эмас, балки пиёлани чойнакка яқин тутиб, оҳиста қуйдингиз. Кейин илтифот билан бир қўлингизни кўксингизга қўйиб, иккинчи қўлингиз билан оҳиста узатдингиз. Сиздан чой кутиб турган рўпарангиздаги киши ҳаракатингизни кузатиб турибди. Назокатингиздан кўзи қувнаяпти, меҳри ошяпти. Баъзи келинлар пиёлани узатганда қўлга бермасдан дастурхонга қўйишади. Бу ўтакетган қўполлик ва ҳурматсизликдир".

Ижодкор синчков бўлиши керак. Бу олтин қоида Муқаддас опа ижодида ярқ этиб кўзга ташланади. Ушбу китобда учта хонадонга ташриф буюрганда қандай кутиб олишгани, қандай кузатишгани ипидан-игнасигача ҳикоя қилинади. Уларни ўқиган китобхон беихтиёр мен ўзим турган уйда вазият қандай, болаларим келган одамни қандай кутишади, деб ўйлайди ва камчилик топса, уни бартараф этиш ҳақида бош қотиради.

Муаллиф қаламга олган яна бир хонадон — ҳунарманд ва санъат жонкуяри Салтанат опа Сиддиқова яратган уй-музей ҳақидаги ҳикоя ниҳоятда мароқли. Ўқиб ўзингизга ибрат оласиз, инсон бу дунёда шунчаки яшамаслиги керак эканлигини ўйлайсиз.

Китобни мутолаа қилиш асносида Муқаддас опа таниқли шоира, садоқат ва вафо тимсоли Саида Зуннунова билан ҳамнафас бўлганларидан хабар топдик. "Энди ўйласам, — дейди муаллиф, — ўша чоғларда денгиз тубидан дур терган кўринаман". Энг муҳими, ўша дурлар бугун ҳам ўз қимматини йўқотмай сизу бизга тақдим этиляпти. Буни "Уч сабоқ" сарлавҳали бобда мароқ билан ўқийсиз.

Матбуот соҳасида "устоз — шогирд" анъанаси алоҳида ўрин тутади. Айтайлик, сиз таҳририятга янги ишга келдингиз. Кундалик фаолият давомида устозлар тажрибасини ўрганиш учун интиласиз. Бўлим мудирингиз хонасига чақириб сизга топшириқ беради. Мана шу жараёнда ёзилажак мақолада нималарга эътибор қилиш, хулосани қандай чиқариш ҳақида гапиради. Ёзиб бўлганингиздан кейин камчиликларини кўрсатади, тўлдириш керак бўлган жойларини уқтиради. Мана шу ҳолат ҳам тажриба орттириш.

Муқаддас Абдусаматова китобида эса бирга ишлаган ҳамкасблар иш тутуми шундай ифода топганки, кўп йиллардан кейин ҳам журналистика дарғалари тажрибаси худди ёмби каби ёш ижодкорларга тақдим этилади. Жуда кўп ёшларга мураббийлик қилган, ёш мухбирлар мактаби раҳбари Муҳаммаджон Қўшоқов ижодий фаолияти меҳр билан қоғозга тушириллган. Муқаддас опанинг ёзишича, Муҳаммаджон ака кўпинча ҳар қандай мақолага бадиий тус беришга уринардилар. Шунинг учун ўқиш жараёнида газетхон бевосита воқеага қўшилиб, қаҳрамонлар билан сўзлашгандек бўларди. Чиндан-да, ижодкор учун қанча эҳтирос, туйғу, ҳаяжон зарур бўлса, барчаси устозда мужассам эди. Ана шу мактабдан ўзим ҳам баҳраманд бўлганим учун яхши биламан. У киши меҳнат қилиб чарчамасдилар. Ишга кела туриб ҳам ҳаётни, одамларни кузатиб келардилар. Кейин улар шеър, қўшиқ, лавҳа ва мақола тарзида газетхонларга тақдим этиларди. Хассос қалам соҳибининг энг яхши кўрганлари далаларда бўлиш, деҳқонлар билан учрашиш, уларнинг ҳаётлари билан танишиш эди. Қишлоқма-қишлоқ, отарма-отар юриб, чўпонлар билан сўзлашиб, талай режа ва орзулар билан қайтиб, уларни шогирдларга сўзлаб берардилар. Ижод маҳсулларининг ҳар бирида бир муаммо ўртага ташланмаса, кўнгиллари тўлмасди.

Китобнинг "Санъат" бўлимида муаллиф билан замондош бўлган уста Маҳмуд Усмонов, Наби Раҳимов, Нуриддин Ҳамроқулов, Азим Муллахонов, Муҳриддин Холиқов, Ғиёс Бойтоев, Сайёра Ғозиева каби санъаткорлар ижоди билан боғлиқ суҳбат ва мақолалар ҳам жой олганки, гап уларнинг шахсиятида эмас, балки санъаткорнинг ўз халқи олдидаги бурчи, маънавий тарбиядаги ўрни каби фикр-мулоҳазалар китобхонни эзгулик ва бунёдкорлик мақсадларига ундаса, ажаб эмас.

Муқаддас опа мазмунли умр йўли ҳақида ижодий ҳисобот тақдим этибдилар. Бундай саодат адибамизга муборак бўлсин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Мушоҳада учун мавзу

Бошлиқ газета ўқийди...ми?

Замон шиддат билан ўзгармоқда. Бутун дунёда кенг кўламда глобаллашув жараёни кечмоқда. Хоҳлаймизми-йўқми, биз ҳам бу жараёнда фаол иштирок этамиз. Бу борада бизга эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар раҳбар ходимлар ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишлари керак. Савол туғилади: бугунги кунда бирор идорага етакчилик қилаётган бошлиқ ёки мансабдор шахснинг маънавияти, сиёсий, ижтимоий малакаси қандай? Унда ташаббускорлик, қатъият, фидойилик каби фазилатлар етарлича шакллангани?..

Беш-олти йилдан буён «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасининг Кўқон шаҳар бўлимида хизмат қиламан. Шу даврда юқоридаги саволларга жавоб топгандек бўлдим. Баъзан шаҳар ҳокимлигидан, баъзан турли корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари қўнғироқ қилиб, буйруқ оҳангида: «Ўтган куни бизнинг ташкилот ҳақида фалон газетада мақола чиққан экан. Ўшани топиб, зудлик билан етказиб беринг!» дейишлари одатий ҳолга айланган. Уларга: «Нега йил якунида келгуси йил учун газета-журналга обуна бўлмадингиз?», «Агар сизнинг ташкилотингиз ҳақида мақола чиққан бўлса, шаҳарда йигирмага яқин «Матбуот дўкони» бор, сотиб олинг-да», «Бошқа обуначининг газетасини сизга беролмаймиз» дейдиган одам йўқ.

Мамлакатимизда халқимиз маънавиятини юксалишига ҳисса қўшаётган газета ва журналлар талайгина. Ҳамма гап уларни ўқувчиларга етказиб беришда қолган. Қолаверса, оилада газета-журналга обуна бўлишнинг фойдали томони кўп.

Ота-она оилада бирор газета ёки журнал ўқисагина, фарзандларида ҳам қизиқиш уйғонади. Шу маънода, ташкилот ва корхоналардаги раҳбар ходимлар ҳам туман, шаҳар ва вилоят ҳокимлиги каби юқори идораларда у ёки бу масалада нутқ, маъруза тинглаб қайтгач, ўз меҳнат жамоаларидаги ишчи-хизматчиларга ҳам уларнинг моҳияти ҳақида сўзлаб берса, газета-журналлардаги муҳим ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий мавзудаги мақолаларни кенг таҳлил этишга саъй-ҳаракат қилсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
журналист

Таклиф

Ҳеч кимга сир эмас: муомала, нутқ маданияти ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз ва ўз навбатида, қайсидир ҳолатларда уларга амал қилиб, ўзимизни бир қадар маданиятли одамлар сирасига қўшиб ҳам юрамиз. Аслида, шундаймикан? Тўғри, бу мавзу ўта баҳсли. Чунки шу пайтгача "Мен маданиятсизман, озроқ савиямни оширай, камчиликларимни бартараф этай", деган одамни кўрмадим.

Биз билмаган маданият

Хўш, бугун ёшлар ва катталар ўртасида ечимини кутаётган муомала ва нутқ маданияти қай даражада? Биз "муомала" ва "нутқ маданияти" тушунчаларини, қолаверса, маданиятнинг ўзини қандай англаймиз? Булар орасидаги боғлиқлик нималарда кўринади?

Маданият — ҳар бир халққа.

Муомала маданияти — жамиятга.

Нутқ маданияти эса шахсга тегишли тушунчалардир. Ҳар бирининг замирида эса фикрни ихчам, лўнда ва таъсирли қилиб етказиш, хатти-ҳаракатларда, мимика ва қочиримларда миллийлик акс этиши зарур.

Кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқот, маърузалар ҳеч вақт киши эътиборидан четда қолмайди. Ўз она тилида чиройли ва таъсирли нутқ сўзлай олган ҳар бир инсон суҳбатдошларининг кўнглига тез йўл топади, ҳурмат-эътибор қозонади. Бироқ...

Баъзан айрим кўнгилочар радио тўлқинларида нутқ маданияти нари турсин, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш даражасидан ҳам йироқ бўлган сўзбозлик қилаётган "сухандонлар"ни тинглашимизга тўғри келади. Оддий журналистик ахлоқ нормаларига ҳам риоя қилинмайдиган мақсадсиз тортишувлардан безиб, бошқа тўлқинларни излай бошлайсан киши. Қизиқ, микрофон қаршисида тилига келган сўзни ишлатиб, бир-бирига гал бермай баҳслашиш одобданмикан?! Менимча, сўзни эркин ишлатиш – маъносиз, мақсадсиз гапириш дегани эмас. Қолаверса, эфирдан таралган ҳар бир сўз жамоат фикрини шакллантиришини ҳисобга олсак, қанчадан-қанча тингловчининг мияси «ғовлаб» кетганини тасаввур қилиш мумкин.

Фикри ожизимча, камчиликларни санаган билан, мақола ёзиб танқид қилган билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун, аввало, нутқ маданияти ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш, унинг тарғиботи хусусида кўпроқ фикр алмашишимиз керакка ўхшайди. Бугун нафақат олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси факультетлари, қолаверса, бошқа соҳаларда, касб-ҳунар коллежларида, академик лицейларда, мактабларда ҳам соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши лозим. Биринчи галда нутқ маданиятини бошқа одоб сабоқлари билан уйғун ҳолатда, алоҳида фан сифатида шакллантишига замин яратиш зарур. Фан доирасида эса бугунги кунда эврилиш сифатида қаралаётган барча жиҳатлар қамраб олиниб, ёш авлодда фикр тиниқлиги, маънавиятининг юксаклигига эришиш кўндаланг турибди. Бу хатти-ҳаракатлар келгусида ёш авлоднинг баркамоллигини таъминлашда "оммавий маданият" таъсирига берилишнинг олдини олишда ўзининг кутилган натижасини беради. Шундагина ҳар бир киши ўз фикрини ўйлаб гапиради, мустақил, равон, ҳайиқмай ифодалаб бера олади. Оддийгина мисол. Кўпчилик тенгдошларимиз у ёки бу соҳа бўйича етарли билим ва кўникмага эга, лекин уларни ифодалаб беришда аксарият ҳолатларда қийинчиликларга дуч келишади. Бу ҳам бўлса, сўз бойлиги камлигидан далолатдир. Бунинг замирида эса китоб ўқимаслик сабаблари ётади.

Қўлига игна олган малакали тикувчи яхши бир кийим тикиб, гўзаллик яратиши мумкин, аксинча ҳолатда эса, нафақат матодаги гўзалликни бузиши, балки ўзига ҳам зарар келтириши аниқ. Демакки, нутқ маданияти меъёрларини билмаслик ўзликни йўқотишнинг энг биринчи белгиси эканини унутмаслигимиз керак.

Гулчехра АШУРОВА,
ЎзМУ талабаси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ГРЕЦИЯ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ СОТИШ НИЯТИДА



Греция хукумати давлат активларини кенг миқёсда хусусийлаштириш режаси тўғрисида эълон қилди. Шунга кўра, хусусийлаштириш 2013 йилга қадар давлат бюджетига 15 миллиард евро (22 миллиард АҚШ доллари) миқдорида фойда келтириши лозим.

«The Daily Telegraph» газетасининг ёзишича эса, яна бошқа бир режага мувофиқ 2015 йилгача 50 миллиард евро миқдоридаги давлат активларининг сотилиши кўзда тутилган. Албатта, бу маблағлар бюджет дефицитини қисқартиришга ҳамда давлатнинг катта қарзини қоплашга йўналтирилади. Ҳозирда Грециянинг ташқи қарзи миқдори 340 миллиард евро деб баҳоланмоқда.

Дастлабки маълумотларга қараганда, Греция ҳукумати, биринчи навбатда, PPC электр энергетика корпорациясидаги давлат улушини 51 фоиздан 34 фоизгача қисқартирмоқчи. Кейинчалик мамлакатдаги энг йирик банклардан бири – ATEbankни сотиш режалаштирилган. OTE телекоммуникация компаниясидаги давлат ҳиссаси ҳам 20 фоизга қадар туширилади.

Бундан ташқари, Афина аэропортидаги 55 фоизлик улуш ҳамда DEPA ва DESFA корпорациялари ва EAS компанияси ҳам сотилади.

УЧ КУН ИЧИДА 185 ТА ТОРНАДО

«The Weather Channel» метеоканалининг хабар беришича, АҚШ ҳудудида уч кун ичида 185 та торнадо – қуюн кузатилган. Аниқроғи, метерологлар томонидан ўтган ҳафтанинг пайшанба куни – 22 та, жума куни – 100 та, шанба куни эса 63 та торнадо қайд этилган.

Кучли қуюнлар мамлакатнинг, айниқса, жанубий, марказий ва шарқий ҳудудларига катта талофат етказган. Йигирмага яқин киши бевақт дунёдан кўз юмган. Бунга асосан дарахтларнинг қулаши натижасида олинган жароҳатлар сабаб бўлган.

Табиий офат, шунингдек, уйларнинг томларини учириб кетган, ўнлаб автомашиналарни ағдарган. Симёғочларнинг қулаши оқибатида эса электр таъминотида узилишлар рўй берган.

Айни пайтда ҳам торнадолар хавфи сақланиб турибди. Хукумат вакиллари табиий офат курбонлари сони ортиши эҳтимоли борлигини таъкидлашмоқда.

ТЎРТБУРЧАК ТАНГАЛАР



Латвия банки квадрат шаклидаги тангаларни муомалага киритди. Хориж оммавий ахборот воситаларида таъкидланишича, бундай тангалар латвиялик шоир Александ Чакнинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан ишлаб чиқарилган.

Ушбу танга пул мамлакат ҳудуди амал қиладиган қонуний тўлов воситаси ҳисобланади. Уни банкларда ва заргарлик дўконларида харид қилиш мумкин. Бир дона тўртбурчак тангани нархи 33,20 лат (67 АҚШ доллари) этиб белгиланган.

ЖАРИМА... МИЛЛИАРД ДОЛЛАР!

Мексикалик миллиардер Карлос Слимга тегишли компания миллиард доллар миқдоридаги жаримага тортилди. Бу ҳақда «The Financial Times» газетаси хабар тарқатди.

Рақобат бўйича мамлакат федераль комиссияси миллиардер бошқарувидаги «America Movil» компанияси ҳамда «Radiomovil Dipsa (Telcel)» шўъба корхонасини ноқонуний фаолият юритганликда айблади. Гап шундаки, комиссия мутахассисларининг фикрича, «Telcel» уяли алоқа хизматлари учун тариф нархларини асоссиз равишда оширib келган. «America Movil» компанияси раҳбарлари эса, бу айбловни нотўғри деб ҳисоблашмоқда ва шу боис, бу борада судга мурожаат қилиш ниятидалар.

Эслатиб ўтамиз, «America Movil» Мексикадаги уяли алоқа хизмати активларининг 70 фоизини ўз назоратига олган. Мамлакатнинг 90 фоиз аҳолиси айнан «Telcel» шўъба корхонасининг мижозлари ҳисобланади. Карлос Слим эса 2010 йилдан буён «Forbes» журнали томонидан дунёнинг энг бой кишиси деб топилган. Унинг айни пайтдаги шахсий маблағи 74 миллиард долларни ташкил этади.



Ўзбекистон — Хитой:
Муносабатлар ривож олмоқда

Йигирма биринчи асрни ўз мўъжизалари билан лол қолдириб, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари сафидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган Хитой Халқ Республикаси билан мамлакатимиз халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи Буюк ипак йўлининг илк сўқмоқларидан бошланган, десак хато бўлмас. Бунга лаҳҳамизга сингиб кетган, деярли ҳар куни ишлатадиган "чинни" сўзининг ўзиёқ оламжаҳон мазмун бағишлайди.

Тарихдан яхши маълумки, қадимда икки дарё оралиғи — Мовароуннахр деб аталган ўлка орқали дунёнинг турли бурчакларига савдо-сотиқ манбаи — шойи-кимхоблар, пахта, чинни буюмлари, қоғоз ва бошқа маҳсулотларнинг тарқалишида тарихан икки ҳамкор мамлакатнинг ўзаро маданий алоқаларининг аҳамияти бениҳоя катта бўлган.

Ўзаро муносабатларнинг синовдан ўтган тарихий асослари бугунги кунда янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Шу кунларда Пекин шаҳрида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан давлат ташрифи давом этмоқда.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига қурилган ҳамкорлик муносабатларининг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги минтақалар ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, албатта.

Айни пайтда Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг ривожланишида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Тақдирлари тарихан чамбарчас боғланган бу икки халқнинг дўстлик ришталари ва маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашда "Ўзбекистон — Хитой" дўстлик жамиятининг хизмати катта бўлмоқда. 1998 йилда ўз фаолиятини бошлаган бу ташкилотнинг асосий вазифаси мамлакатлар аҳолисининг тарих, маданият ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган. Дўстлик жамияти мазкур вазифани бекаму кўст уддалаб, мамлакатларимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий ва гуманитар соҳаларида ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилиб келаётир.

Шунингдек, мамлакатимизда илм-фан, маданият, маориф соҳаларини ривожлантириш ва спортни қўллаб-қувватлаш борасида етакчи ташкилотлардан бири — "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси 2005 йилда Пекин шаҳрида ўз ваколатхонасини очгани ва бу жамғарманинг юртимиз миллий маданияти, қадрият ва анъаналари ҳамда бой тарихий мероси ва бетакрор санъатини Хитойда кенг тарғиб этишдаги ўрни беқиёсдир.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Конфуция номидаги Ўзбекистон — Хитой институти фаолият юритаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг жадал тараққиётига яна бир мисол бўла олади.

— Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар йўналишда икки томонлама алмашув ва ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, — дейди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Муваккат ишлар вакили Чжан Вэй. — Хитойга таълим олиш, саёҳат қилиш учун ташриф буюраётган Ўзбекистон фуқароларининг сони тобора ошиб бормоқда. Ўз навбатида, Хитойдан Ўзбекистонга бадиий ва илмий йўналишда фаолият юритувчи делегациялар вакиллари ҳам тез-тез ташриф буюрмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис, юртимизда иш юритаётган Хитой компаниялари сони ҳамда фаолият самарадорлиги тобора ортиб бораяпти. Фарғонада пиллани қайта ишлашга ихтисослашган «FarBaytexnoteks», Қашқадарёда бир кеча-кундузда 3800 дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Temur-Chin», қолаверса, Гулистонда «PANA», Бухорода «Xvashen-Buxoro», Ургутда «Chemping-plast» сингари ўнлаб Ўзбекистон — Хитой қўшма корхоналари ишлаб турибди. Умуман олганда, ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда хитойлик сармоядорлар иштирокида 347 та корхонанинг иш олиб бораётгани, 64 та Хитой компаниясининг ваколатхоналари очилгани икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил давом этаётганлигидан далолат беради.

Барча соҳалардаги яқин ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам янада кенгайиб, кенг кўлам ва салмоқ касб этишига, халқларимиз ўртасидаги юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат асосига қурилган дўстона муносабатлар тобора ривож топишига шубҳа йўқ.

РОССИЯДА БЎРОН ЮЗ БЕРДИ

Россиянинг марказий ҳудудларида, жумладан, Москва, Ярославь, Ленинград ва Владимирский областлари ҳамда Москва шаҳрида шиддатли шамол туриб, бўрон юз берди. Оқибатда дарахтлар, симёғочлар, реклама лавҳалари ағдарилди. Электр таъминоти издан чиқди.

Оммавий ахборот воситаларида айтилишича, Москва шаҳридаги қурилиш майдонида автокран қулаб, бир киши ҳалок бўлган. Шунингдек, 6 нафар одам турли жароҳатлар туфайли шифохоналарга тушган. Шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган автобус бекатининг ағдарилиб тушиши натижасида бир киши жабр кўрган.

ИТАР-ТАСС тарқатган хабарга қараганда, Москвада шамолнинг тезлиги секундига 20 метргача, Москва областида эса 25 метргача етган.

Ярославь областида ўнлаб аҳоли яшаш пунктлари электр таъминотисиз қолган. Чунки шамолнинг тезлиги секундига 18 метрга етгач, 298 та электр подстанцияси мажбуран узиб қўйилган. Шунингдек, ноқулай об-ҳаво туфайли Владимирский областида 21 та аҳоли пунктидаги хонадонларда чироқ учиб қолган. Бу турар жойларда 11 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади.

Айни пайтда бўрон оқибатларини бартараф этиш ишлари олиб бориляпти.

СОАТИГА 270 КИЛОМЕТР ТЕЗЛИКДА

Дунёга машҳур «Opel» автокомпанияси «Insignia OPC Unlimited» деб номланган автомашина моделини намойиш қилди. Ушбу янги моделнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у соатига 270 километр тезликда ҳаракатланиши мумкин. Бу компания тарихидаги энг тез юрадиган машинадир.

Компания мутахассисларининг эътироф этишларича, «Insignia OPC Unlimited» барча замонавий қулайликларга эга. Масалан, унда автоматик равишда тезликни алмаштира олиш имконияти мавжуд, олти цилиндрли турбодвигатель билан таъминланган.

«Opel»нинг ушбу янги автоулови сотуви Европа бозорларида яқин кунларда бошланади. Нархи эса, масалан, Германияда 48,6 минг евро этиб белгиланган.

БЭКОННИНГ СУРАТИ САВДОГА ҚЎЙИЛДИ

Англиялик машҳур файласуф ва мусаввир Фрэнсис Бэконнинг «Автопортрет учун учта хомаки лойиҳа» деб юритиладиган триптихи аукция савдосига қўйилди. Экспертларнинг баҳолашларича, ушбу картина ҳеч бўлмаганда 20 миллион АҚШ долларига сотилиши мумкин.

Мазкур тасвирий санъат намунаси 1974 йили яратилган. Сўнгги 35 йил давомида у ҳеч қаерда намойиш қилинмаган.

Аукция савдосида, шунингдек, Ф.Бэконнинг яна бир асари сотилиши режалаштирилган. Бу картинани тахминан 10-15 миллион долларга сотиш мўлжалланмоқда.

Фрэнсис Бэконнинг энг қимматбаҳо картинаси бундан уч йил олдин 86 миллион АҚШ долларига сотилган.

Тошкент иқтисодиёт коллежи танлов эълон қилади

Ўқув муассасасида соғлом онқатланишни ташкил этиш тўғрисида

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлар Танлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолият, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

махсус моддий-техник база ва озиқ-овқат технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Манзил: Юнусобод, 19-даҳа, 37-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 220-03-68, 220-02-63

Дунё матбуоти саҳифаларида

(«The Guardian», Буюк Британия)

БОЛАЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ОВОЗ

Газетада ёзилишича, Венгриядаги сайловларда ғолиб чиққан "Фидес" консерватив партияси яна баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган таклифларни илгари сурмоқда. Аниқроғи, партия замонавий демократия тарихида мисли кўрилмаган ишга қўл урмоқчи — ёш боласи бор оналар сайловда қўшимча овоз ҳуқуқига эга бўладилар.

"Фидес" ҳукумат тепасига келганидан сўнг бир қатор "антиқа" қарорларни қабул қилиб улгурган. Хусусан, ОАВ эркинлигини чеклаш ҳақидаги қарор ҳам шулар жумласидандир.

— Болалар жамиятнинг 20 фоизини ташкил этади, — дея таъкидлайди партия вакили, Европарламент депутати Йожеф Сайер. — Жамиятнинг каттагина қисмини ташкил этадиган бу гуруҳнинг ҳеч қандай вакиллиги йўқ. Қарор қабул қилинишида келажак авлоднинг манфаатлари ифодаланмаган. Бир қарашда бу ғоя одатдан ташқаридек кўриниши мумкин. Лекин 1950 йилларда қора танлиларнинг, юз йил муқаддам эса аёлларнинг овоз бериши ҳам ғайритабиий эди.

Й.Сайернинг айтишича, партия бу ғояни илгари суришда америкалик демограф Пол Деменининг 1986 йилда ишлаб чиққан концепциясидан руҳланган. Унга кўра, овоз беришда ота-она ҳар бир боласи учун ярим овозга эга бўлади. Ота-оналарнинг сиёсий қарашларига қараб бу овозлар бўлиниши ҳам мумкин.

"Фидес" партияси ғоясининг амалга ошишошмаслиги номаълум. Чунки мазкур таклиф, аввало, мамлакат парламентида муҳокама қилиниши лозим. Энг муҳими, Венгрия конституциясига ўзгартиш киритиш ҳамда ушбу масалага оид янги қонун қабул қилиш талаб этилади.

(«Al Jazeera», Қатар)

ЭЙЯФЬЯТЛАЙОКУДЛЬ: БИР ЙИЛ ЎТИБ

Исландиядаги Эйяфьятлайокудль вулқони тўғрисида кўпчилик эшитган бўлса керак. У ўтган йили жунбушга келганида бошқа вулқонларга ўхшаб ҳеч кимнинг ўлимига сабаб бўлмади, лаваси отилиб дарё бўлиб оқмади, фақат кули кўкни қоплаб, самолётларнинг учишига халақит берди, холос.

Вулқонлар бўйича мутахассис Сигрун Хрейнсдоттир «Магма отилишидан олдин бир муддат тўхтаб қолди. Сўнг вулқоннинг оғзидан отилиб чиқиб, катта тезликда пастга қараб оқди. У ерда музлик, сув билан тўқнаш келди. Тўқнашув натижасида майда зарралар ҳосил бўлиб ҳавога кўтарилди. Ва юқорида таъкидланган муаммо келиб чиқди", деб таърифлайди.

Ўшанда ҳар сонияда вулқондан 500 тонна кул ажралиб, атмосферага кўтарилган ва кулдан ҳосил бўлган булут Европанинг шарқига қараб сузиб кетган. Одамларнинг гувоҳлик беришича, бир неча соат ичида вулқон атрофида жойлашган фермани қалинлиги ўн сантиметрдан ортиқ кул қоплаган. Бу ердан ҳамма эвакуация қилинган эди.

Ферма эгаси Олафур Эггертссон, одатда апрель ойида қорамолларини яйловга ҳайдарди, экинларини парваришларди. Лекин ўтган йили вулқон сабаб бундай қила олмади. Ҳозирги кунда вулқон тинч. Яна ким билади, дейсиз.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; E.mail: oao@post.uz

Ўқилмаган саҳифалар

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ўсаётган мевали дарахт

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ўз асарлари билан Бобур ва бобурийзодалар ҳаётига ёдгорлик ўрната олган адиб эди. Ўтмишни англаган келажакни ҳам тушунади, деганларидек, ёзувчи замон руҳини зийраклик билан илғар ва унга ўз муносабатини ҳам билдириб борарди. Вақти-вақти билан замондошлари — ёш ёзувчи-шоирларга ўзининг хайрихоҳлигини изҳор этиб турарди. Буни қарангки, адибнинг иш столида энди биз учун меросга айланган, қуйида биринчи марта эълон қилинаётган мақоланинг сўнгги саҳифасига марҳум адибимиз ўз дасхати билан «2010 йил март», деб ёзиб қўйган эканлар...



Кизиқ, боғингда, кўз олдингда ўсаётган ниҳолнинг вояга етганини сезмайсан. Гуллаб, ҳосил тугиб, меваси дастурхонингда турганини кўрганда эса мўъжиза содир бўлгандек ҳайрон қоласан. Қачон, дейсан ўзингга-ўзинг. Енгилгина шамол ҳам қаддини эгиб чайқалтираётган навниҳол қачон азамат дарахтга айланди?

Атрофингдаги одамлар — яқин укаларнинг улғайиши ҳам худди боғингдаги ниҳоллар янглиғ билинмай-билинтирмай юз бераркан. Бола деб юрганинг йигитга, йигит деб юрганинг кап-катта одамга айланганини кўрганда эса кўзингга ҳам, ўзингга ҳам ишонгинг келмай, ҳалиги савол тошиб чиқар экан ичингдан. Қачон?!

Абдусаид Кўчимов ҳам ҳадемай олтмишвойлар сафига қўшилади. Назаримда, у ҳалиям илк бор хонадонимда кўрган (ўша пайтда ҳозирги "Тонг юлдузи" газетасида хизмат қиларди) чаққонгина йигитча...

Айтгандай, "Тонг юлдузи" мен учун ҳам ҳаёт мактаби ҳисобланади. Чунки, мен ҳам талабалик пайтимда, аниқроғи 1946 йилда, бир муддат мазкур газетада ишлаганман. Газетада мактаб ўқувчилари ҳаётига доир бир қанча мақола ва лавҳаларим босилган.

Тўғри, Абдусаид кўп мураккаб йўллардан ўтди, катта-катта вазифаларни бажарди. Минг-минг кишилик йирик ташкилотларга раҳбарлик қилди. Аммо ўша пайтлардаёқ у зийрак, вазмин, одобли, куюнчак ва қизиқувчан йигит сифатида менинг тасаввуримда қолгани учун бўлса керакки, ҳалиги янгиликдан бир муддат ҳайратландим. Кейин мундоқ ўйлаб кўрсам, мен айтган учрашувнинг бўлиб ўтганигаям ўттиз йилдан ошибди. Қаранг, ўттиз йил-а?!

Адашмасам, эллик ёшга тўлган кунларим эди. Элликкa-олтмишга кирган ёзувчи-шоирлар билан суҳбатлар, катта-кичик тўйхат-мақолалар эълон қилиш газета-журналлар учун бир анъана эди ўша замонда. Абдусаид ҳам шу русумга биноан келган эди хонадонимизга. Эсимда, суҳбатимиз унча узоқ чўзилган эмас. У саволларини аввалдан тайёрлар экан. Мен тез-тез жавоб қайтардим. Аммо қисқа муддатли суҳбатдаёқ унинг шунчаки бир мухбир эмас, фикрлари мантиқли, зийрак, адабий жараёнлардан бохабар, кўпгина ҳаётий муаммоларга нисбатан ўз қарашларига эга эканидан мамнун бўлдим. Суҳбатимиз асносида ёзилган "Китобга муҳаббат" сарлавҳали мақола газетанинг 30 январь (1979 йил) сонида эълон қилинганидан кейин эса бу йигитда ёзувчилик нигоҳи, иқтидори борлигини сезиб қолдим. Чунки мақола юбилей саналари муносабати билан чоп этиладиган бошқа мақолалардан алоҳида ажралиб турарди. "Фалон йили фалон қишлоқда туғилди, фалон мактаб, ундан кейин фалон институтда ўқиди..." қабилидаги қолипга тушган шакл, асарларни санаш ва қуруқ мақтовлардан иборат жумлалар йўқ эди. Тили равон, тасвирлар жонли, бадиий бўёқлар қуюқ, ишончли ва таъсирчан.

Абдусаид Кўчимов тинмай изланди, меҳнат қилди. Ёзувчиликни, бадиий маҳорат сирларини қунт билан ўрганди. Қатор шеърлар, достонлар, ҳикоя ва қиссалар ёзди. Ўн бешга яқин китоблар чиқарди. Қалами чархланди, ўз ўқувчиларига эга бўлди.

Абдусаид Кўчимов ижодига хос битта хусусият мени, айниқса, хурсанд қилади: қишлоқ ҳаёти, қишлоқларда умргузаронлик қилаётган юртдошларимизнинг руҳий дунёси, орзу умидлари, ташвишлари жуда самимият билан тасвирланади унинг асарларида. Ёзувчининг қаҳрамонлари ҳам шунчалар содда, тоза ва дали-ғулики, беихтиёр меҳрингиз тушади, хаёлга чўмасиз, ажралгингиз келмайди улардан. "Баланд тоғлар" китобини ўқиётиб худди шу ҳолатни бошдан кечирдим. Китобда "Оқ каптарлар ороли" номли қисса бор. Ҳажми унча катта бўлмаган мазкур қисса катталар ва болалар ўртасидаги муносабатларни бағоят ишонарли тасвирлангани билан диққатни тортади. Воқеа ҳам жуда оддий ва табиий. Катта оиласи билан тор ҳовлида сиқилиб қолган кекса ўқитувчи Малик муаллим томорқа сўраб хўжалик раҳбарининг ҳузурига боради. Раҳбар муаллимни аввалига алдайди, кейинчалик очиқчасига томорқа бермаслигини айтади. Бу гап муаллимни қаттиқ ранжитади. Негаки, хўжаликдаги амалдор кишиларга томорқа берилаётган эди. Хуллас, бир парча ер баҳонасида бошланган можаро йириклашиб, катта жанжалга айланади. Азал-азалдан тўю томошаси, маъракаю мавриди битта бўлиб келган қишлоқ аҳли бир-бирига қарама-қарши икки қутбга бўлинади. Нафақат катталар, ҳатто болалар ҳам икки гуруҳга ажралиб қоладилар. Малик муаллимнинг изтироблари, қисса бош қаҳрамони — Малик муаллимнинг кенжа ўғли — кичкинтой Суярқулнинг бошидан кечирганлари, болаларча содда орзулари, икки қутбдаги болалар орасидаги қарама-қаршиликлар жараёни ҳаётийлиги билан ўқувчи қалбини титратади.

Шу китобдаги яна бир қисса — "Баланд тоғлар остида"ни ўқиётганда кўз олдимда бошқача — менга жуда-жуда қадрдон манзара — болалигим келиб кетди. Ўратепа тизма тоғлари тагидаги Кенгқўл деган мўъжазгина қишлоқ қирларида қўй боқиб юрган йиллар эсимга тушди. Раҳматилла билан Тўрақулнинг ноёб гулни қидириб музқояга бориши, ғор остидаги ғаройиб саргузаштлари ҳам хаёлимда ўрнашиб қолди. Ўзим ҳам уларга қўшилиб дараларни, чангалзор-чакалакларни кезгандек бўлдим. Юрагим ҳапқириб, энтикиб, соғиниб эладим — шундоққини кўз олдимга келди ҳаммаси. Бу йигитчалар менга яна шуниси билан ҳам қадрдон эдиларки, улар "Уч илдиз" романимдаги Маҳкам ва Очилнинг болалигига ўхшаб кетарди. Бир асарнинг бадиий қуввати, инсон руҳиятига таъсири шуда, ахир! Бу асар турфа хаёллар, ошуфталик, ҳайрат, изтиробли кечинмалар мажмуасидир. У сизни болалик ва ўспиринликнинг сеҳрли олами билан ошно қилади. Умуман, ўрни келганда таъкидлаш жоизки, болаликнинг беғубор туйғулари инсонни ҳеч қачон, ҳатто кексайганда ҳам тарк этмайди. Мана, мисол учун ўзим, ёшим саксондан ошиб, мураккаб синовлик бир ёшни бошдан кечиряпман. Лекин болалигим бот-бот эсга келади. Айниқса, "Баланд тоғлар остида" сингари қизиқарли асарларни ўқиганда, ана шу бетизгин даврларни интиқиб қўмсайман, у сеҳрли дунёдан чиққим келмайди.

Ёзувчи укамнинг "Бойчечак", "Ўғил", "Қочоқ" деган ҳикояларида ҳаёт фақат байрамлару шоду хуррамликлардангига иборат эмаслигини аста-аста англаб бораётган, каттадир-кичикдир қийинчиликлар билан олишиб улғайиб бораётган ёш авлоднинг ўзига хос мураккаб ҳаёти тасвирланади. Асарларни ўқиганда, улардаги қаҳрамонлар билан баравар нафас олаётганингизни, камол топиб бораётганингизни сезасиз. Умуман, Абдусаидда бола онгининг нозик пучмоқларигача кира билиш бахти бор. У қаҳрамонларининг шодлик ва дилгирлиги,-тасаввури ва фантазиясини теран тушунади ҳамда асарнинг ички оҳангига сингдириб юборади.

Дарахтни меваси, отни сийнаси, одамни меҳнати безайди, дейдилар. Дарҳақиқат, меҳнат йигитнинг давлати, роҳати, қувончи, бойлиги, шон-шарафи, иқболу истиқболининг калити. Меҳнат қилган ҳамиша элда азиздир. Абдусаид Кўчимов ҳам меҳнаткаш инсон. Бу гапларни мен ўтган йиллар мобайнида уни турли давраларда, хилма-хил мулоқотларда кўрган ва кузатган киши сифатида айтяпман. Бундай суҳбатлар, у ёзувчиларимизнинг мўътабар минбари бўлмиш "Шарқ юлдузи" журналида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Ўзбекистон телерадиокомпаниясида хизмат қилганда кўп маротаба такрорланди. Олий Мажлисда (айтмоқчи, Абдусаид уч марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлди) эса бир қатор қонунларни яратилишида иштирок этдик. Тўғри, А.Кўчимов ҳадеб минбарга интилган эмас. Аммо қўмита йиғилишларида бўлган муҳокамаларда доимо фаол иштирок этар, ҳамиша хоҳ оғзаки бўлсин, хоҳ ёзма бўлсин ўз таклифларини билдирар эди.

Абдусаид Кўчимов ўсаётган мевали дарахт: кўркам, басавлат, шиғил-шиғил меваси, қуюқ сояси бор дарахт. Бу дарахт баланд бўлиб ўсгани сари мевалари баракали, ширин ва йирик бўлиб бораверишини тилайман.

2010 йил март.

Шукроналик

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

— Одамлар саломатлигини муҳофазалаш ишларига мустақиллик йилларидаги сингари ҳеч бир даврда давлат даражасида эътибор қаратилмаганди, — дея таъкидлайди Китоб туманининг Жовуз қишлоғида яшовчи Раҳмиддин Мирзаев. — Бир воқеа ҳануз эсимда: ўшанда турмушдошим Рўзигул даладан иситмалаб қайтди. Туман марказидаги касалхона олис бўлгани учун шу атрофдаги шифокорларга мурожаат қилдик. Аммо зарур тиббий асбоб-ускуналар йўқлиги сабабли улар аниқ ташхис қўйишолмади. Натижада хотиним ногирон бўлиб қолди...

Қунларнинг бирида набирам қишлоғимиздаги врачлик пунктига замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб, қайта жиҳозланганини ва бу ерда малакали шифокорлар ишлаётганини айтиб қолди. Қўярда-қўймай, бувисини елкасига кўтариб ўша жойга олиб борди. Буни қарангки, шунча йил бировнинг кўмагисиз ҳаракат қилолмаган турмуш ўртоғим олти ойда ўзи, ҳассасиз юрадиган бўлди. Ҳатто кўни-кўшниларникига, тўй ва тадбирларга ҳам бораяпти...

Эътиборни айни мисолга қаратишимизнинг боиси бор. Китоб тумани аҳоли сони жиҳатидан Қашқадарё вилоятида юқори ўринлардан бирида турса-да, мустақиллик йилларигача, айниқса, тиббиёт соҳасида ечимини кутаётган муаммолар бир талай эди. Аксарият қишлоқлар тоғли ҳудудларда жойлашгани боис, уларнинг ҳар 3-4 тасига битта қишлоқ амбулаторияси тўғри келарди. Малакали шифокорлар ва зарур тиббий ускуналар йўқлиги туфайли касталикларни даволаш учун ҳам ўнлаб километр йўл босиб, туман марказига келишарди.

Хайрият, у даврлар ортда қолди. Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган ҳаётбахш қарорлари туфайли касталикларни аниқлаш ва даволаш учун узоқ йўл босиб туман марказидаги шифохоналарга боришга ҳожат қолмади. Ўтган йилларда биргина Китоб туманида 22 та ҚВП қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда барча касалликларга шу жойларнинг ўзида, малакали врачлар кўмагида барҳам берилмоқда. Муҳими, туман марказидан энг олисда жойлашган қишлоқлардаги ҚВПларни кўрган киши ҳайратланиши табиий. Чунки улар замонавий қилиб қурилганидан ташқари, тиббиётга оид энг сўнгги жиҳозлар билан таъминланган. Мурожаат этувчиларга қулай шароитлар яратилган, шунингдек, кундузи ётиб даволанишга ҳам ихтисослашган.

Ҳукуматимиз кўмаги билан шаҳар ва қишлоқларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланаётгани фақат яхшиликларда кўринмоқда. Чунончи, турли юқумли касалликларнинг кўрсаткич даражаси туманда ўша кезларга қараганда 49 фоизга, оналар ва болалар ўлими 74 фоизга, ногирон бўлиб туғилиш 78 фоизга камайган. Шу билан бирга, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси 96 фоизга, оналик ҳамда болаликни муҳофазалаш 80 фоизга, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш 100 фоизга яхшиланган.



Бундан ташқари, репродуктив саломатликни кенг шакллантириш ишлари ҳам йил сайин ривожлантирилмоқда. Президентимизнинг «Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қарор бўйича шу йилнинг ўтган ойларида репродуктив ёшдаги аёлларнинг аксарияти тиббий кўрикдан ўтказилиб, туғиш ёшидагилар орасида учрайдиган хасталиклар аниқланди ва мутахассис шифокорлар бириктирилиб, соғломлаштирилмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Абдуғани Усмоновнинг айтишича, оналик ва болаликни муҳофазалаш, демографик кўрсаткичларни яхшилаш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш йўлида алоҳида режалар ишлаб чиқилган. Мутахассислардан иборат 6 та гуруҳ аъзолари ҳудуддаги маҳаллалар ва хонадонларда бўлиб, хасталикларга ташхис қўйиш ҳамда даволаш билан бирга тарғибот ишларини ҳам олиб боришмоқда.

Ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиш доимий диққат-эътиборда. Чунончи, 160 нафар ёлғиз кексалар, нафақадор ва ногиронлар рўйхатга олиниб, тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилган. Касалликлар аниқланган 19 киши шифохона шароитида, 20 нафари уйларида ҳамда 70 нафари амбулатория-поликлиника шароитида даволанди. Қишлоқларда яшовчи 20 нафар юз ва ундан катта ёшдагилар соғлиқни сақлаш бўлими мутахассисларининг назоратига олиниб, уларга шифокорлар бириктирилган.

Хуллас, аҳоли соғлиғини ҳимоялаш бўйича кейинги йигирма йил оралиғида Китоб туманида олиб борилган саъй-ҳаракатлар асрларга татийди, десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, Истиқлол шарафоти ила ана шундай шароитлар яратилаётганидан бугунги одамларнинг қувончи чексиз, шукроналиги беадад.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
журналист

Жорий йилнинг мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши юртимиздаги барча ишбилармонларга фаолиятларини кенгайтиришга катта йўл очиб бермоқда. Бу эса қўшимча иш ўринларини яратилишига, янгидан-янги ғоя ва ташаббусларни амалиётга татбиқ этилишига замин яратмоқда.

Фермер новвойхона қурди

Нуроталик тадбиркорлар ҳам яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот турини кўпайтиришни ўз олдиларига мақсад қилганлар. Ана шундай тадбиркорлардан бири — "Иззат" фермер хўжалиги раҳбари Иззат Бобоқулов банкдан 25 миллион кредит олиб, новвойхона фаолиятини йўлга қўйди. Россия технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган сифатли нон ва нон маҳсулотлари истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотлар шартнома асосида ташкилотларга етказиб берилмоқда.

— Фермер хўжалигимиз учун ажратилган ернинг 3 гектарида катта боғ яратиш мақсадида Самарқанд вилоятидаги Шредер номли боғдорчилик институти билан шартнома имзоладик. Шу кунларда 1100 туп қишки олма кўчатларини ўтказиб парвариш қилаяпмиз. Яратаётган боғимиз туманимиз кўркига кўрк қўшади, халқимиз дастурхонини хўл мевалар билан бойитишга хизмат қилади, — дейди Иззат Бобоқулов.

Маърифат ШАРИПОВА
Навоий вилояти ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Буюк шахслар ҳаёти

Навоийнинг ҳайратомуз ихтиролари

Навоий қаламига мансуб ҳар бир сатр унинг буюклигидан дарак бериб туради. Машҳур шарқшунос олим Е.Бертельс ўз вақтида «Навоийни идеаллаштириб юборасан, дейишади, лекин ҳақиқатан ҳам бу зотнинг асарлари шунга тўла асос беради» деб тўлқинланиб ёзган эди. Дарҳақиқат шундай. Сўздан мўъжизалар ярата олган фасоҳат мулки султонининг асарлари қанча ўрганилса, тадқиқ қилинса шунча кўп янги-янги бадиий ва илмий кашфиётларга дуч келаверамиз. Мазкур мақолада ҳам муаллиф хайрли ишга қўл урган. Унда Навоий ижодида учрайдиган ғайриоддий тимсоллар, ва башоратлар ҳақида фикр юритилади. Ўйлайманки, бу каби мақолалар, Навоий ижоди юзасидан айтиладиган янги гаплар жамоатчиликда ҳам катта қизиқиш уйғотиши баробарида, муштарийлар қалбида бу беназир инсоннинг ижодини ўрганишга кучли завқ-шавқ уйғотади.

Ботирхон АКРАМОВ,
Навоийшунос олим, профессор

Навоий меросини муаззам уммонга ўхшатишади. Зангори осмон остида чайқалиб турган баҳри муҳитнинг шиддаткор тўлқинлари қуёшнинг мунаввар нурлари билан қоришиб, борлиққа ёрқин ифор таратади. Кўзни қамаштириб, кўкка ўрлаётган томчиларнинг ҳар бирида илоҳий нур жилваланади. Навоий мероси ана шундай боқий, мафтункор. Бу табаррук зот ижодини ўрганган кишиларнинг қайта-қайта ҳайратга тушавериши сабаби ҳам шунда.

Ҳар бир тамаддуннинг ўз бунёдкорлари бўлар экан. Яратганнинг бандаларига марҳаматими, ё шунчаки тасодифми, тарих зарварақларида уйғониш — инсониятнинг олтин асри номи билан қайд этилган XV асрда — айнан Алишер Навоий яшаб ижод қилган даврда дунёнинг нариги чеккасида яна бир даҳо ижодкор (не ажабки, унинг номида ҳам шер бор) Леонардо да Винчи (1452-1519) яшаётган эди. Рассом, олим, шоир, ҳайкалтарош, муҳандис, ихтирочи, архитектор, мусиқачи бўлган италиялик даҳонинг ҳаёти қилган кашфиётлари жуда кўп марта тадқиқ этилган. Ҳаёти баётига, баёти ҳаётига айланган бобокалонимиз даҳоси ҳам Леонардоникидан асло кам эмас. Фақат етарлича тадқиқ этилмаган холос.

Навоий ҳам барча фанлар билан шуғулланди — илми нужум, мусиқа, табобат, луғатшунослик, ўқ отиш санъати, адабиёт назарияси, қушлар ҳаёти — зоология. Хусусан, унинг тасвирий санъатда ҳам машқлар қилиб тургани, ҳатто Ҳусайн Бойқаронинг суратини чизгани ҳақида манбалар гувоҳлик беради. Леонардонинг сирли табассуми (Мона Лиза) каби Навоийнинг ўз қўли билан чизган занжирбанд шер сурати ҳам мана беш асрдирки, такрор-такрор мунозаралар манбаига айланиб келади. Бу буюк зот мусиқа илмида ҳам ноёб истеъдод соҳиби бўлиб, бир қанча куйлар ижод қилган. Шунингдек, бош меъмор сифатида ўз маблағи ҳисобидан кўприк, тегирмон, ҳаммом, боғ, мақбара, масжид, шифохоналар барпо этди, ариқлар қаздирди. Бунёд этган иншоотларининг аксариятининг тархини ўзи чизди, тузатди.

«Лисон-ут-тайр»да (насрий баёни) ўқиймиз: «Инсон кўнглини турли билимлар хазинаси қилди ва бу тилсим ичида Аллоҳ ўзини яширди». Не ажабки Навоийнинг ёзганлари ҳам шунчаки шеърий ҳавас ёки биргина маъно англатувчи сўзлар кетма-кетлигидан иборат эмас, рамзий-мажозий мазмуни кўп қатламлидир. Ҳар бир байти мўъжизага менгзагулик сатрларидан илоҳий донишмандлик уфуриб туради. Шеърият султони таҳайюл отида шунчалар узоқларга парвоз этолганки, унинг олдида нафақат тезлик, балки вақт — асрлар ҳам чикора. Масалан, манзумаларида даври учун бутунлай бегона бўлган турли тимсоллар (образ) учрайдики, гўё Навоий тафаккур ғаладонида бунёд бўлган илмий кашфиётларини, башоратлари ва фаразларини сатрлари қатига сингдириб юборгандек. Масалан, мутафаккирнинг гўзал ғазалларидан бири шундай сатрлар мавжуд:

Хилъатим то айламиш жонон қизил,
сариғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар он қизил,
сариғ, яшил.
Шишадек кўнглимдадур
гулзори ҳуснинг ёдидин,
Тободонинг аксидек алвон қизил,
сариғ, яшил.

Ғазалда инсон руҳий ҳолатлари нозиклиги, сирлилиги, ташқи дунё ва одам сурати билан уйғунликда экани жуда нозик ҳолатда тасвирланган. Шоир танлаган уч ранг қизил, сариқ, яшил — ўзининг барча товланишлари билан номоён бўлади. У гарчи ёр тавсифига бағишланган бўлса-да, юқоридаги сатрларни ўқиб, сизнинг хаёлингизда ҳам бугун бутун дунёда машиналарнинг қатновини тартибга солиб турган светафор гавдаланганига шубҳа йўқ. Тўғри, бир қарашда бу шеър ва светафорнинг бир-бирига умуман алоқаси йўқдек туюлади. Аммо ранглар силсиласи, уларга юкланган вазифа иккисини бир-бирига боғлаб турганини илғаш у қадар қийин эмас. Маълумки, қизил ранг тақиқ белгиси, ёр дастлаб ошиқнинг севгисини рад этади, ноз қилади. Сариқ ранг тайёргарлик, ошиқнинг ранги сарғайиб фиғони кўкка ўрлайвергач, жононанинг кўнгли ҳам унга илий бошлайди. Яшил ранг бу йўл очиқ дегани. Ғазалда ҳам ёр турфа ранглардаги кийимларда кўриниш бериб, ошиқнинг кўнглини эзади. У яшилликка бурканганда васл айёми бошланади. Дарвоқе, Навоий байтларида илк бор намоён бўлган бу рамз — светафор америкалик олим Гаррет Морган томонидан 1916 йилга келибгина кашф қилинди.

Энди мана бу сатрларга (Фавойид-ул-кибар) эътибор қаратайлик:

Нега таркинг этмай, эй чархки:
шому ахтарингдин —
Қародур юзинг, валекин...
оқ эрур юзингда холинг!..

Мазкур байтнинг иккинчи мисрасида фототасвир ибтидоси — негатив кўринишлар (оқ рангнинг қора, қора рангнинг оқ бўлиб кўриниши) ҳақида гапирилаётгандек гўё. Ўрни келганда эслатиш жоиз, биринчи фотоаппарат француз олими Луи Жак Даггер томонидан 1839 йилда кашф қилинди. Илк негативлар ҳам айнан шу йили Фокс Тальбот томонидан ихтиро этилди. Навоий эса улардан деярли 350 йил олдин бу ҳақда маълумот берябди.

Барчага яхши маълум, 1928 йилда Тошкентда ихтирочилар Б.Грабовский ва И.Белявскийлар электр-нур ёрдамида ҳаракат қилаётган тасвирни бир жойдан узатадиган ва қабул қиладиган аппарат яратиб, уни муваффақиятли синовдан ўтказдилар. Юртимиз пойтахти телевидение ватани сифатида тан олинди. Аммо Навоий улардан ҳам анча йиллар олдин буни кўра олганди. Сўзимиз исботи учун «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган қуйидаги мисраларни келтириш кифоя:

Ғаройиб кўп ҳувайдо бўлғусидир,
Бас, анда шакл пайдо бўлғусидир...
Кўруниб ҳар замоне —
кўзга бир шакл,
Кўз олғоч — бўлғусидир ...
ўзга бир шакл!..

Чу бўлди жилвагар ошкор юз навъ,
Анга ҳам бўлғуси — тимсол юз навъ!..

Маълумки, экранда кадрлар бир секундда 24 маротаба алмашади ва жонли тасвир кўринади. Шакл бу кадрлар десак, уларнинг алмашинувидан турли-туман ғаройиботлар, жонли суратлар, рангин қиёфалар силсиласи намоён бўлади. Энг ажабланарлиси, Навоий бу қурилмани ҳам ўз ҳолича «Ойнаи жаҳон» деб номлайди. Фарҳод узоқ Арман ўлкасининг маликаси Ширининг ҳусну жамолини айнан шу восита орқали кўриб, унга маҳлиё бўлиб қолади.

«Фарҳод ва Ширин» достонини мутолаа қилишда давом этсак, бугун тилимиз анча келишиб қолган XX аср яратиқларидан бири — роботлар ҳақидаги сатрларга ҳам кўзимиз тушади:

Бўлур дарвоза ичра ошкоро,
Темур жисмики қилмиш пайкар оро.
Эрур одамға монанду мушобиҳ,
Илгида темурдан ёй қилиб зиҳ.
Ва лекин ушбу пайкар рой то фарқ,
Бўлиб ўтдек темур ўрчин аро ғарқ.

Маъноси шундай: «У одамга жуда ҳам ўхшар, қўлида ўткир ўқ тортилган темир ёйни ушлаб турар эди. Бошидан оёқ совутга ўралган бу темир одам ичичидан ёниб турарди».

Навоий асарларида бугунги замонавий автомобилларнинг матори-двигетилига ўхшаш нарса ҳақида ҳам сўз кетади:

Ичинда намудор андоқ тилсим,
Ки ул ҳуфра кунжида бир рўй жисм.
Киши ҳайъати бирла жунбушнамой,
Ул оташгоҳ ичра ҳароратфизой.
Ясаб олида дам била кўрае,
Ҳамул кўра жисмида мошурае.
Чу ул кўрау дамға айлаб ситез,
Бу мошура нафхи қилиб шуъла тез.

Сатрларнинг насрий баёни шундай: «Тилсим чуқурнинг бир бурчагига жойлаштирилган бўлиб, кўринишидан одамнинг гавдасига ўхшайди. Ўша кишининг ҳайбатига ўхшаган тилсимнинг қайнашидан ўтхонада ҳарорат ҳосил бўлади. Ўшанинг ёнида бир дам билан кўра бор, шу кўрага ҳаво берадиган бир най ўрнатилган. Шу дам билан қўранинг ҳалиги найи орқали пуфланиб, унинг ичидаги олов билан туташтирилади».

Кейинги саҳифаларда бугун уйларимизга ҳам иссиқлик ҳам муздек ҳарорат бахш этиб турувчи кондиционер (1915 йилда француз олими Жанн Шабаннес биринчи кондиционерга патент олган) ҳақида гап кетади:

Ки ҳар сори лавҳе эрур таъбия,
Бирида елу бирда ўт таъмия.

Маъноси шундай: «Чоҳнинг икки ёнига яхшилаб қараса, бирига ўт, иккинчисига ҳаво деб ёзиб қўйилган. «Фарҳод ва Ширин»дан олинган мана бу байт ҳам унга ҳамоҳанг жаранглайди:

Кетурдилар ҳакими нуктадони,
Билик бирла жаҳон ичра жаҳоне!..
Қилиб тунни — ёруғ, кунни қоронғу,
Сувдин — ўт ёндуруб, ўтдин — сепиб сув.

Маълумотларга кўра, 1763 йилда илк бор урушда кимёвий-бактериалогик қуролдан фойдаланилган. Ўшанда ҳам европалик истилочилар Америка қитъасида ҳинду қабилаларини бўйсундириш учун эпидемия тарқатувчи касалликдан фойдаланишади. Навоий эса XV асрдаёқ хотирани йўқотувчи, кишини манқуртга айлантирувчи кимёвий восита ҳақида маълумот берган:

Бориб тушти аъдо аросиға чуст,
Азим ун чиқорди тегиб ерга руст.
Деган тўрт иш тутти андин вужуд:
Садоу афан, ис била ўту дуд.
Садо ботил этти фусунларни пок.
Ўти куйдуруб қалъани қилди хок.
Фусунгар юзин дуди этти қаро,
Иси қўймади нукта хотир аро.

Маъноси шундай: «Коптоксимон қурол осмонга учиб, душманнинг бошига етди ва ерга қаттиқ тегиб, портлади. Ундан даҳшатли садо чиқди. Яна саркаш ўт, қоп-қора тутун ва бадбўй ҳид чиқарди. Садо сеҳрларни тамоман ботил қилди, емирди. Ўт ҳаммаёқни куйдириб, қалъани хароб айлади. Тутун сеҳргарларнинг юзини қорайтирди. Ҳид уларнинг миясидаги хотирани йўқотди».

Одатда даҳолар ўз ўлимини олдиндан билади, дейишади. Рус шоири Александр Пушкиннинг (дуэлда вафот этган) "Евгений Онегин" асарида Ленский образида ўз ўлими манзарасини тасвирлагани, Шоҳ Машраб (Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон томонидан 1711 йил дорга осилади) нинг «Мансури Халлождек ичир шароби антахур, Чарх уриб йиғлаб турурман ушбу дам дор остида» деб нола қилиши ҳам сўзимиз исботи. Навоий ҳам бундан мустасно эмас, албатта. У ўзининг «Фавойид ул-кибар» — «Кексалик фойдалари» девонида 45-60 ёшни умрнинг қиши ҳисоблайди. Олтмиш ёш ҳақида гапирганда «жон бермоқ» истилоҳини истифода этади. Хўш, ўйлаб кўрингчи, Навоийнинг устози Лутфий 99 йил умр кўрганида, Навоийга бу ёшда ўлим ҳақида гапириш нега керак бўлди экан?..

Тақдирнинг ажаблигини қарангки, у ҳам роппа-роса олтмиш йил умр кўрди. Манбаларда ёзилишича, Навоий бошқа мулозимлар билан 1500 йил 29 декабрь куни Астрабод юришидан қайтаётган Ҳусайн Бойқарони кутиб олгани чиқади. Шоҳ билан кўришаётганда, Бойқаронинг қўлига йиқилади. Навоийни тезда Ҳиротга олиб келишади. Шоирда сакта (инсульт) касали аломатини пайқаган тарихчи Ҳондамир ўша заҳотиёқ қон олишни тавсия қилади. Аммо табиб Абдулҳай Туний бунга қарши чиқади. "Ҳиротдаги табиблар йиғилишида ҳал қиламиз", дейди у. Бойқаро ҳам қон олинглар, деб буюрганида вақт қўлдан берилган эди. Шоирнинг томиридан қон чиқмайди. Шу тариқа 1501 йилнинг 3 январь куни бу ёруғ олам ўзининг яна бир назири йўқ даҳоси билан видолашди.

Таажжубланарлиси, шоир анча йиллар аввал ёзган шеърларидан бирида ўзининг ўлими манзарасини ҳам чизганди. «Бадоеъ ул-васат» — «Ўрта ёш бадеалари» асарида "Йўлида кош мени пора-пора қилғайлар, Ки халқ ҳолима бир-бир наззора қилғайлар" матласи билан бошланувчи ғазалда улкан қалб соҳиби шундай нола қилганди:

Бу дард илаки ўлармен,
мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға
не чора қилғайлар.

Дарҳақиқат, Навоий ҳақ бўлиб чиқди, табиблар касалга чора топа олмадилар. Орадан йиллар, асрлар ўтди. Ҳамма даврларда ҳам халқ бу буюк зот даҳоси олдида бош эгди, шеърларини ёдлаб, узун тунларда фарзандларига маъно-маҳзанини тушунтириб беришдан чарчамади. Қабрини зиёрат қилиб, обод этиб турди. Дарвоқе, жафокаш афғон юрти XX асрда уруш ўчоғига дўнишини, ўз қабрининг харобага айланишини ҳам Навоий беш аср наридан кўриб, билиб тургандек:

Чун кулар ёни сўкилган
жисму зоримни кўриб,
Йиғлайму ёни емрилган
мозоримни кўриб.

Албатта, юқорида санаб ўтилган тимсоллар, рамзлар, ўз даври учун ғайриоддий бўлган қурилмалар, башоратлар Навоий ижодида беҳисоб. Баланд минора устига ўрнатилган бугунги параболек ва спутник антенналарига ўхшаш қурилмалар, дунёнинг нариги чеккасидаги инсон билан тўғридан-тўғри бир-бирини кўриб турган ҳолда (вебкамера орқали) мулоқотда бўлиш, компьютер, интернет, кишининг май ичган-ичмаганини аниқлаб берадиган восита, кибернитика ҳамда яна бошқа турли ғайриоддийликлар хусусидаги фаразлар шулар жумласидан. Яна ҳатто XXI аср одамлари тасаввур доирасидан ҳам ташқарида бўлган антиқа тимсоллар, фараэлар учрайдики, ҳайратланмай илож йўқ. Агар уларнинг муқобилини бугун ҳам учратмасак, буни замонавий фан ва техниканинг ноқислигидан деб билиш лозим.

Дарҳақиқат, олимлар таъкидлаганидек, Навоий ижоди муҳташам бир қаср, барча унинг ёнида айланиб юрибди холос. Модомики, беҳаён тафаккур сарҳадларини фатҳ эта олган шеърият соҳибқиронинг олтин мероси миллат руҳини тарбиялар экан, унинг ижодини ижоди каби қомусий равишда тадқиқ ва таҳлил этиш, бу жараёнда, айниқса, ёшларда рағбат уйғота олиш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Иномжон АБДИЕВ

Навоий чизган «занжирбанд шер» сурати

Барҳаёт анъаналар

Созни кўнгилга мослаб...

Яхши куй тинглаганимизда, созанданинг маҳоратига маҳлиё бўламизу, бироқ ҳа деганда чолғучи кўлидаги соз муаллифи кимлиги билан қизиқмаймиз ҳам. Шубҳасиз, оддий ёғоч ва симга «жон киритган» инсоннинг ҳиссиёт олами теран, диди нозик, савияси юксак бўлиши табиий.

Самарқандлик созгар Ҳамроқул Ҳайдаров узоқ йиллардан бери халқ мусиқий меросини бойитишга катта ҳисса қўшиб келяпти. Масалан, уста ясаган миллий чолғуларимизнинг сарбони ҳисобланган танбурни олайлик. Ундаги оҳанг тароватини бошқа чолғулар саси билан солиштириб бўлмайди. Кўнгил ибодатига чорлайдиган бу асбобни ясаш жараёни устадан ҳассосликни, заргарона ёндашувни талаб этади. Шунинг учун нафақат Ҳамроқул аканинг ўзи, балки унинг шогирдлари ҳам ҳар бир сознинг ясалишидаги хусусиятлари, сифати ва жарангдорлигига алоҳида эътибор берадилар. Улар ясаган мусиқа асбоблари — доира, рубоб, дутор, тор, танбур каби чолғуларни республикамиз ҳудудида эмас, балки жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги кўргазма ва музейларда учратиш мумкин.

Ишга бўлган муҳаббат уста ва унинг ўғиллари Бобомурод ҳамда Дилмуродни бир зум ҳам тинч қўймайди. Бундан бир неча йил йил олдин Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоиловга "Ҳамроҳ" деб номланган скрипкани кўрсатганида созанда шундай деган эди: «Созингиз зўр чиқибди, аммо дастасини тут дарахтидан ясаган экансиз. Уни ўрик дарахтидан қилинг, чунки ўрикнинг меваси ҳам, чўпи ҳам юракка даво бўлади». Албатта, у бу фикрни кейинги ишларида назаридан соқит қилмади.

Яқинда Ҳамроқул ака устахонасига хориждан ёғочга нозик ишлов берадиган бир неча асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатди. Улар ёрдамида сайқал бериб ишланган созлар Самарқанднинг Регистон майдонида бўлиб ўтган Республика ҳунармандлар кўргазмасида намойиш этилиб, яна бир карра эътироф этилди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ

Суратда: *уста ва унинг шогирдлари иш жараёнида.*

Муаллиф олган сурат

Тақдимот

Обидалар — миллатимиз ғурури

Истиқлол туфайли миллий маданий мерос халқимиз мулкига айланди. Ушбу мероснинг таркибий қисми бўлган тарихий меъморий ёдгорликлар вайронликдан ободликка, унутилаётган гўшадан гавжумлик сари юз тутди.

Меъморий ёдгорликларни янада ободонлаштириш, улар тарихидан маҳаллий ва хориждлик зиёратчиларни воқиф этиш, энг муҳими, ҳар бир юртдошимизда бу буюк мероснинг меросхўри сифатида уни авайлашга масъуллик ҳиссини шакллантириш "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасининг муддаосидир. Яқинда халқимиз меросини излаб топиш, авайлаб-асраш, хорижда ва юртимизда кенг тарғиб этишдек улуғ мақсадни кўзлаган жамғарма саъй-ҳаракатлари билан ўнга яқин рисола ва китоблар чоп этилди.

Халқаро ёдгорликларни сақлаш куни арафасида жамғарма вакиллари Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтига ташриф буюрдилар. Жамғарма раиси А.Каримов йиғилганларга яқинда нашр қилинган "Шоҳимардон", "Хазиний юрти", "Бурҳониддин Маргиноний: тарихий ҳақиқат ва асотирлар" китобларини тақдим этди, уларнинг маданий ҳаётимиздаги аҳамиятини таъкидлади.

Китоб муаллифларидан бири, тарих фанлари номзоди Н.Абдулаҳадов ушбу асарларнинг яратилиш тарихи, улар талқинидаги ўзига хослик борасида мулоҳазалар билдирди. Тадбир иштирокчилари жамғарма фаолияти, хусусан, тарихий ёдгорликлар жойлашган масканларни ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам батафсил маълумотга эга бўлишди.

Ўз мухбиримиз

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Ранглар мўъжизаси

Бадиий асарларда миллий колорит

Ранг бирикмалари рангтасвирда ғоят муҳим вазифани бажаради. Одатда ёрқинлиги ва туси бир-бирига яқин бўлган ранглар ўзаро бирлашадилар. Бунда, улар алоҳида жарангдорлик касб этиб, сифат ўзгаришларига юз тутиши кўзга ташланади. Умумий "колорит"дан ажралиб қолган ранг эса номувофиқ — бегона бўлиб кўринади ва тасвирий асар яхлитлигига путур етказади.

Тасвирдаги турли рангларнинг гармоник, гўзал тус бирикмалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги "колорит" (итальянча солонио, лотинча солор — ранг, бўёқ) деб аталади. Воқеликни таъсирли тасвирлаш воситасининг таркибий қисми бўлган колорит асарнинг ғояси, мазмуни, даври, услуби ҳамда муаллифнинг шахсига боғлиқ. Тарихда воқелик тасвирида маҳаллий ранглар озми-кўпми чекланиб, рамзий ранглардан кўпроқ фойдаланиш (ўрта асрлар санъатида) ва воқеликни барча бўёқларда (унинг ранг, тус, нур, соя ва бошқалардан фойдаланиб) рангдор ифодалаш анъанаси шаклланган. Колорит ранглар уйғунлигига кўра, илиқ (қизил, сариқ, зарғалдоқ) ёки совуқ (кўк, яшил, бинафша), сокин ва жиддий, оч ёки тўқ, рангдорлигига кўра, ёрқин, хира ва бошқа бўлиши мумкин.

Мусаввирлар ранглар уйғунлиги, унинг тўлдирилиши ва кескинлигига амал қилиб, бетакрор ва мураккаб колорит яратганлар. Ўзбекистонлик рассомлардан П.Беньков, У.Тансиқбоев, З.Ковалевская, Ч.Аҳмаров ва бошқалар ўз маҳоратлари орқали бизга оламнинг бой, ранг-баранг ва гўзаллигини очиб бера олганлар. Колорит мусаввирга тасвир ҳолатини ифода қилишда ёрдам беради. У осойишта, завқлантирувчи, хавотирли, маъюс бўлиши мумкин. Шунингдек, илиқ ва совуқ, ёрқин ва бўғиқ бўлади.

Ўтмиш устозларнинг рангтасвир асарлари колорит ривожини кузатиш имконини беради. Бу тушунча XV асрнинг охирларида шаклланиб, Бурокко даврида равнақ топди. Ундаги дастлабки ўзгаришлар аср охирларида намоён бўла бошлади. Бу даврда бўёқларни алоҳида-алоҳида қўймасдан рангларни силлиқ едирма қилиб, ишлашган.

Ҳар бир мусаввирнинг ўзига мансуб колорити мавжуд бўлиб, бунга

Анор уқлаган ўсмир. Миниатюра. Исфахон услуби. XVII аср.

унинг тасвирий асарлари — умумий палитраси гувоҳ бўла олади. Воқеликни бўёқлар воситасида тасвирга тушириб экансиз, рангларнинг бир-бирига таъсирини назарда тутмоқ ва ранглар уйғунлиги асосида тасвирламоқ зарур. Шуниси муҳимки, тасвирда тўғри топилган ранглар уйғунлиги, гўзалликни англай олиш билан бирга, нафис асар гўзаллигини билиш равнақига ҳам замин яратади.



Р.Ахмедовнинг "Тонг, Оналик" асари

Мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган амалий санъат турлари — наққошлик, кулолчилик, каштачилик, гиламдўзлик, заргарлик, зардўзлик, читгарлик ва бошқаларда ҳам колорит муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, наққошлик санъатида колорит муҳим ўрин тутади. Наққошлик мактабларида ҳар бир уста ўзига хос колоритга эга. Хоразм наққошлик мактабларида ва меъморий нақшларидаги умумий ранг, яъни колорити мовий бўлиб, кишига салқинлик бахш этувчи ва тинчлантирувчи, яъни симметрик ранглардан фойдаланилади. Меъморий нақшларини кузатар эканмиз ҳаворанг колоритда безалган нақшлар ўзига хос жозиба касб этганини кўришимиз мумкин. Тошкент наққошлик мактабида эса асосий колорит яшил, жигарранг ва ҳаворанг ҳисобланади.

Амалий санъатда ранглар ўз рамзий маъноларга эга. Хусусан, яшил ранг — она табиат, мовий ранг — осмон, коинот, тинчлик, ёмон кўздан асраш рамзи, қизил ранг — олов, илиқлик, сариқ ранг — муқаддаслик, ёруғлик, қуёш, кенглик, қора ранг — мотам, чексизлик, мавҳумлик, қўрқув, тушкунлик, ноаниқлик, зангори ранг — олий эътиқод, оқ ранг — поклик, озодлик, ёруғлик, бахт, омадни билдиради.

Кўриниб турибдики, колорит мусаввирлар асари мазмунини ва ғоясини ўзида ифода этадиган мусиқадаги дирижёр вазифасини бажаради. Ана шу рангларни билиш, англаш эса рангтасвир усталарининг асарлари мазмун-моҳиятини англашда ниҳоятда зарур омилдир.

Саидахбор БЎЛАТОВ,
Низомий номидаги ТДПУ Амалий санъат кафедраси профессори

Қадрият

Карвон ёдгорликлари

Навоий вилоятининг Кармана тумани Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган қадимий масканлардан бири ҳисобланади. Шу сабаб туман ҳудудида тарихий-меъморий обидалар кўп. "Қосим Шайх" мажмуаси ва музейи, Мир Саид Баҳром, Хўжа Хисрав мақбараси, Мавлоно Ориф Деггароний, "Сардоба" тарихий ёдгорликлари шулар жумласидандир.





Туманнинг ана шундай машҳур тарихий ёдгорликларидан яна бири "Работи Малик" карвонсаройи бўлиб, мажмуа XI асрда бунёд этилган. Бугунгача унинг олд пештоқи сақланиб қолган, холос. 1997 йилги археологик қазилмалар ёдгорликнинг илгариги қиёфасини тиклаш имконини беради. Чунончи, карвонсаройнинг олд томони кишида кучли таассурот қолдиради. Унинг меъморий шакли ва безаклари жуда ҳашаматли бўлиб, марказдаги ўқда улкан равоқ, икки ёнидаги девор қанотлари зич устунлар билан қопланган. Бурчакларида эса минорага ўхшаш гулдаста-бурж юксалиб турибди. Бинонинг кираверишда томонидаги девор саккиз қиррали юлдузнусха улкан ғиштин нақшгул ва қўш меҳроб ичидаги ярим хоч билан қопланган. Баланд аркнинг гирдига куфий усулдаги ёзув битилган.

— Буюк ипак йўлида жойлашган кўплаб сардобалар ичида Марказий Осиёда ягона Малик Работ, яъни шохбекатда ўша пайтлар карвон йўллари орқали Хитойдан, Ҳиндистондан, Афғонистон ва бошқа давлатлардан келган савдогарлар учун шароитлар яратиб берилган, — дейди сухбатдошимиз, вилоят ўлкашунослик музейи директори Рамазон Эгамов. — Деворнинг пештоқига куфий ёзувида бир жумла битилган: "Тангрининг иноятти ва замон Султонининг саъй-ҳаракати билан бу маскан доим жаннат монанд бўлур". Буни қарангки, ҳақиқатан ҳам боболаримизнинг ушбу сўзлари бугун ўзининг исботини кўрсатиб турибди.

Ёдгорлик ўз композицияси жиҳатидан ноёб бўлган лойиҳаси — мураккаб кўп ҳовлили қурилишга эга. У Марказий Осиё ўрта аср меъморчилигининг дурдонаси сифатида эъзозланади. Орадан ўн аср ўтиб "Работи Малик"нинг шундоқ-қина ёнида яна Халқаро логистика маркази ёки Эркин иқтисодий зона — замонавий карвонсарой бунёд этилиши ўзининг мантиқий асосига эга эканидан далолат беради.

Маърифат ШАРИПОВА
Навоий вилояти

Спорт

УЛЬЯНАНИНГ МУВАФФАҚҚИЯТИ

Грециянинг Каламата шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги мусобақасининг учинчи саралаш босқичи якунланди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси Ульяна Трофимова тўпда машқ бажариш бўйича учинчи ўринни эгаллади. Ҳакамлар ҳайъати ўзбекистонлик спортчининг композициясини 27,5 баллга баҳолади ва ҳамюртимиз бронза медалга сазовор бўлди.

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимиз спортчилари билан бирга, юртимизда ўқув-машғулот йиғинларида қатнашаётган Франциянинг байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича "Сан-Лорен-Блонжи" спорт клуби вакиллари ҳамда қозоғистонлик спортчилар ўз имкониятларини синаб кўрди.

Тўрт кун давом этган Ўзбекистон чемпионатининг каноэда 1000 метрга эшкак эшиш баҳсларида Вадим Меньков, Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой олди. Каноэда эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда франциялик Максим Петит олтин, Жоиз Тимоти кумуш, қозоғистонлик Антон Ольшанский бронза медални қўлга киритди.

Байдаркада турли масофага эшкак эшиш бўйича Алексей Мочалов, Сергей Борзов, Вячеслав Горн, хотин-қизлар ўртасида Юлия Борзова, Мария Ван ва Екатерина Шубина ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	Қашқадарё —	8-375-357-75-10
Андижон —	8-374-250-90-39	Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Бухоро —	8-365-592-85-02	Фарғона —	8-373-215-80-58
Самарқанд —	8-366-233-62-12	Хоразм —	8-362-291-48-44
		Навоий —	8-436-742-78-70

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21 30
Топширилди — 22 30

® — тижорат белгиси.

Адади: 8607 Буюртма — Г-426 1 2 3 5